БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 65 (556)

31 МАРТ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Швеция Бош Министри Т. Эрландер Москвага келди (1-нчи бет).

Н. А. Булганин Швеция Бош Министри Т. Эрландер жанобларини қабул қилди (1-нчи бет).

В. М. Молотов Швеция Бош Министри Т. Эрландер жанобларини қабул қилди (1-нчи бет).

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичунович СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловга ишонч ёрлиқларини топширди (1-нчи бет).

ОНАЛАР ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗ ҒАМХЎРЛИГИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: — Илмий текшириш ишлари савиясини яхшилайлик (2-нчи бет).

ТЕАТР: **Н. Эгамназаров.** — «Бир шахснинг масаласи» (2-нчи бет).

Коллектив хўжаликни тобора юксалтириш учун. Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз активларининг йиғилишида (3-нчи бет).

А. И. Микояннинг Ҳиндистонда бўлиши (4-нчи бет).

Совет энергетиклари делегациясининг Буюк Британияда бўлиши (4-нчи бет).

Халқ палатасида Неру нутқи (4-нчи бет).

Швеция журналистлари делегацияси Москвага келди (4-нчи бет).

Ҳаваскорлик тўгаракларининг ижодий фаолиятини яхшилайлик

Коммунизм қураётган совет халқининг ижодий кучлари битмас-туганмасдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини амалга ошириш негизида халқ талантлари ўсмоқда. Коммунистик партия қайнаб турган халқ ижодий булоғидан баҳраманд бўлиб, халқ талантларининг ижодий қобилиятларини барқ уриб яшнатиш учун ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам Совет ҳукумати маданий-оқартув муассасаларининг ишини янада яхшилаш ва уларнинг тармоқларини кенгайтириш учун йилдан-йилга кўплаб маблағ сарфламоқда. Халқ маданий бойлиги бўлган кино-театрлар, маданият уйлари ва саройлари, клублар, кутубхоналар, ўқишхоналар, радио ҳамда бошқа маданий-оқартув муассасалари кенгаймоқда, улар совет кишиларининг маданий савиясини ошириш, ижодий қобилиятларини юксалтириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди мамлакатимиздаги маданий қурилиш ишларига якун ясади, халқимизнинг моддий ва маданий даражасини янада юксалтириш, сан'ат ва адабиётимизнинг кенг равнақ топиши юзасидан муҳим тадбирлар белгилади. Олтинчи бешйилликда СССРдаги барча халқларнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти тез сур'атлар билан ривожланади.

Совет кишилари партия XX с'езди томонидан қўйилган улуғвор программани амалга ошириш учун курашга астойдил киришиш билан ўзларининг завқли, қаҳрамонона меҳнатини куйламоқдалар, талантларини юзага чиқармоқдалар. Маданий-оқартув муассасаларининг кенг тармоқлари халқ ижодий кучлари ва талантларини юзага чиқаришда ёрдам бермоқда.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳозирги вақтда 300 га яқин ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турипти. Бу тўгаракларда 7 мингга яқин ҳаваскор қатнашмоқда. Студентлар ётоқхоналарида, ишчилар клублари ва маданият саройларида, колхоз қишлоқларида қад кўтарган кўркам дала шийпонларида меҳнат завқини тараннум этувчи халқ талантларининг янгроқ қўшиқлари, жўшқин ўйинлари, ёқимли мусиқа оҳанглари янграмоқда. Бу қўшиқларда, ўйноқи куйларда, жозибали ўйинларда улар ўзларининг фаровон ҳаётларини ва бу ҳаётнинг ижодчиси, ташкилотчиси жонажон Коммунистик партияни куйламоқдалар.

Ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашиб, ўзларининг сан'аткорлик маҳоратларини ошириб борган талантли ижрочилар ва моҳир музикачиларнинг кўпчилиги колхоз-совхоз театрларида, область ва республика театрларида муваффақиятли ишлаб келмоқдалар, консерватория ва театр институтларида та'лим олиб, сан'атнинг юксак чўққиларига интилмоқдалар.

Ҳаваскорлик тўгаракларининг ўз устларида қунт билан ишлаётган уюшқоқ коллективларининг сан'ат маҳоратлари тобора юксалиб бормоқда, уларнинг сафларига янги кучлар келиб қўшилмоқда, тўгаракларнинг хор, рақс, опера, музика, драма ва бошқа шу каби янги коллективларини тузишга замин яратилмоқда.

Октябрь районидаги Каганович номли колхоз ва Ўртасарой районидаги «Юлдузная звезда» колхозининг, Тошкент тўқимачилик комбинати, Политехника институти ва бошқа кўпгина жойларда ташкил этилган ҳаваскорлик тўгаракларида ишлар анча дуруст йўлга қўйилган. Бу тўгаракларда ўзларининг ранг-баранг программалари ва уларнинг қатнашчилари ижодий маҳоратлари билан умумхалқ ҳурматини қозонганлар. Тўгарак ишлари яхши йўлга қўйилган коллективларнинг кўпчилиги бадиий ҳаваскорларнинг область ва республика кўрикларида, шунингдек Ленин байрамларида муваффақиятли қатнашиб, тамошабинларнинг юксак баҳосига сазовор бўлмоқдалар.

Октябрь районидаги Каганович номли колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг катта ижодий коллективи бор. Тўгарак қатнашчилари ўз ҳамқишлоқларига «Майсаранинг иши», «Олтин кўл», «Юрак сирлари» ва «Аршин мололон» спектакларини муваффақият билан кўрсатиб келмоқдалар. Булардан ташқари колхоз ҳаётидан олинган, пахтачиликни ривожлантиришга бағишланган концерт программалари тайёрланган. Тўгаракда О. Отахонов, Ж. Қамбарова, З. Дадаҳўжаева, М. Аҳмедов ва бошқа талантли ижрочи ҳаваскорлар ишлаб келмоқда. Бу тўгарак қатнашчиларининг тажрибаси, ижодий изланишлари намуна бўлардидир.

Ҳаваскорлик тўгаракларининг ижодий коллективларини мустаҳкамлаш ва уларнинг маҳоратларини оширишда қобилиятли ижрочиларни танлаш, музика асбоблари билан етарли та'миндаш ва репертуар программаларининг актуал ва ранг-баранг бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Ҳаваскорлик тўгаракларига малакали раҳбарларни тайинлаш ва уларга қулай шароитлар яратиб бериш ишлари ҳам энг муҳим вазифалардан биридир.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, областимизнинг шаҳар ва қишлоқ жойларида ташкил этилган ҳаваскорлик тўгаракларининг ҳаммасида ҳам иш кўнгилдагидек ташкил этилган деб бўлмайди. Ба'зибир саноат корхоналарида ва қишлоқ жойларида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ишлари бутунлай тўхтаб қолган. Бунга Гулистон районини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Район колхозларида, МТС ва мактабларида талантли ёшлар кўп. Броқ бу талантли ёшлар учун ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этилмаган. Район маданият бўлимининг мудири Офицеров ва Маданият уйининг директори Подмосковний ўртоқлар ҳалқ талантларининг ижодий мактаби бўлган ҳаваскорлик тўгарагларини тузиш, сан'атга қизиқувчи ёшларни тарбиялаш ишларига бефарқ қараб келмоқдалар.

Маҳаллий партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳаваскорлик тўгаракларининг ишини яхшилашга э'тиборни кучайтиришлари керак. Аммо айрим партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари бу муҳим масалани э'тибордан четда қолдирмоқдалар. Янгийўл ғишт заводи партия ташкилотининг секретари Степанов ва касаба союз комитетининг раиси Неметов ўртоқлар ёшларнинг ҳаваскорлик тўгарагини ташкил этиш ҳақидаги илтимосларини э'тиборга олмаганлар. Натижада заводда ҳаваскор ёшлар тўгараги ҳалига қадар ташкил этилмаган.

Ҳалқ талантларининг ижодий юксалишлари ва ҳаваскорлик тўгаракларининг ишини мустаҳкамлаш учун конкрет тадбирлар белгилаш ва амалий раҳбарлик қилиш маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Ҳозирги вақтда республикамизда, шу жумладан областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида май ойида ўтказиладиган Ашула байрамига тайёргарлик бормоқда. Лекин ҳамма жойда ҳам тайёргарлик ишларини қониқарли аҳволда деб бўлмайди. Район ва шаҳар маданият уйларида тузилган Ашула байрамини ўтказувчи комиссиялар ўз фаолиятларини кучайтириб юборганлари йўқ. Ҳаваскорлик тўгаракларининг кўпчилиги Ашула байрами репертуарларига киритилган қўшиқлар текстини ҳозирга қадар олган эмас.

Ашула байрамини ўтказувчи республика комиссияси, республика Халқ ижодий уйи Ашула байрамига қатнашувчи ҳаваскорлик тўгаракларининг талабларини ҳисобга олишлари ва уларни турли жанрларда ёзилган асарлар билан та'минлашга жиддий э'тибор беришлари керак.

Ўзбекистон совет ёзувчилари ва композиторлари союзлари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари учун янги қўшиқлар яратиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаб, шоирлар ва композиторлар э'тиборини бу муҳим соҳага жалб этишлари зарур. Репертуарларнинг замонавий ва қизиқарли бўлиши кўп жиҳатдан ижодий ташкилотларнинг фаолиятига боғлиқ.

Ҳаваскорлик тўгаракларининг ҳалқ талантларининг маҳорат мактабидир. Халқимиз орасидан етишиб чиқаётган талантларни қунт билан тарбиялашга жиддий э'тибор берайлик, ҳаваскорлик тўгаракларининг ишини ҳарқачонгидан ҳам яхшилайлик. Халқ талантларини ўстириш, уларнинг активлигини ошириш партия ва ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини ҳал этишга ёрдам беради, халқ ижодий кучларининг янада барқ уриб ўсишини та'минлайди.

Швеция Бош Министри Т. Эрландер Москвага келди

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ 29 мартда Швеция Бош Министри Т. Эрландер рафиқаси билан бирга Москвага келди. Улар билан бирга Ички Ишлар Министри Г. Хедлунд рафиқаси билан, Швеция Ташқи Ишлар Министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг рафиқаси билан, Бош Министрнинг шахсий секретари У. Пальме, Швеция Ташқи Ишлар Министрлиги Савдо бўлимининг 2-нчи секретари Г. Лоренцион келдилар.

Айни вақтда СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов Москвага келди.

Швеция ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Бош Министр Т. Эландерни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари М. З. Сабуров, СССР Министрлари В. Г. Бакаев, Н. П. Дудоров, В. П. Елютин, А. А. Ишков, И. Г. Кабанов, Ф. Г. Логинов, Н. А. Михайлов, Г. М. Орлов, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Борисов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти Бош бошқармасининг бошлиғи С. Ф. Жаворонков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири М. Г. Грибанов, Швециядаги СССР Элчихонасининг маслаҳатчиси Н. И. Луньков, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Москва шаҳар коменданти генерал-майор И. С. Колесников, совет ва четэл журналистлари, радио ва кинохроника вакиллари кутиб олдилар. Аэродромда Т. Эрландер жанобларини Швеция бош министрининг СССРга қилган сафари муносабати билан Москвага келган швед журналистлари ҳам кутиб олдилар.

Швеция Бош Министрини Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман ва Элчихона ходимлари, шунингдек СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари кутиб олдилар.

...Самолёт ерга қўнади-да, меҳмонларни кутиб олучилар тўпланган аэропорт биноси олдига гилдираб келади. Н. А. Булганин, В. М. Молотов ва М. З. Собуров, Р. Сульман ҳамда бошқалар самолёт олдига келадилар. Т. Эрландер ва унинг ҳамроҳлари қўл бериб Н. А. Булганин, В. М. Молотов, М. З. Сабуров ҳамда Р. Сульман билан кўришадилар. Сўнгра аэродромда кутиб олиш вақтида ҳозир бўлган совет давлат арбоблари, шунингдек дипломатия корпуси а'золари Т. Эрландер билан таништириладилар.

Швеция Бош Министри Т. Эрландерни кутиб олиш вақтида аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда Швеция ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Т. Эрландер жаноблари аэродромда микрофон олдида нутқ сўзлади.

Т. ЭРЛАНДЕР нутқи

Бош Министр жаноблари:

Бугун мен Совет Иттифоқи тупроғига қадам қўятириб, Совет Иттифоқига келишни таклиф қилиб менга ва менинг йўлдошларимга самимий таклифнома юборганлигингиз учун чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Сизларга келишимиз бирқанча қимматли алоқалар боғлаш имкониятини беради, бизни тажрибалар билан бойитади ва умумий проблемаларни самарали муҳокама қилиш имкониятини беради, деб умид қиламиз.

142 йил мобайнида Швеция шундай бебаҳо афзалликка эга бўлиб келдики, у жаҳонда юз берган ва харобаликлар келтирган урушлардан шу муддат ичида четда қолаберди. Швед халқининг тинчликка бўлган иродаси билан бирликда бирқанча қулай ташқи вазиятлар бизнинг шу қадар узоқ вақт давомида тинчликда яшашимизга ёрдам берганлигини тушунамиз. Биз биламизки, бизнинг тинчликсевар сиёсатимизни ўз эркинлигини ва мустақиллигини қаттиқ ва қат'ият билан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб турган швед халқи қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватламоқда.

Бутун шу давр давомида Швеция ҳарбий иттифоқлар ва блоклардан четда турди. Албатта, Швециянинг мана шу традицион бетарафлиги ва иттифоқларда қатнашмаслик сиёсати унинг бошқа мамлакатлардан яккаланиб қолишга интилганлигини кўрсатмайди. Халқаро савдо-сотиқ ва халқаро алоқалар Швеция учун ҳаётий зарур нарсалардир. Чет мамлакатларнинг та'сири ва бошқа мамлакатлар билан бўладиган алоқалар маданиятимизни ва ижтимоий ҳаётимизни бойитади. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида тинчлик ва халқаро ҳамжиҳатлик манфаатларини кўзлаб ўтказилаётган ишларда кучимиз борича қатнашишга ва бу ишларни актив равишда қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз.

Асрлар давомида Швециянинг тарихи Сизларнинг мамлакатингизнинг тарихи билан яқиндан боғланиб келди. Ўтган замонларда бўлган қонли жанглар ва қирғин урушлардан сўнг сал кам 150 йиллик даврни ўз ичига олган тинчлик даври бошланди. Халқларимиз ўртасида дўстлик бўлмоғи учун негизлар борлигига қат'ий аминман. Тинчлик ва тараққиёт мамлакатларимизнинг янада ривожланишига йўл очади, деб қизғин умид қиламан.

(ТАСС).

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичунович СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловга ишонч ёрлиқларини топширди

29 мартда Кремльда СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов Югославия Федератив Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Велько Мичуновични қабул қилди. В. Мичунович ўзининг ишонч ёрлиқларини топширди.

Мухтор министр, маслаҳатчи Б. Осолник, маслаҳатчилар Ф. Бабич ва Ч. Борчич, биринчи секретарлар С. Сенекович ва Р. Диздаревич, иккинчи секретарь Я. Кликовац, учинчи секретарь Д. Рожман, ҳарбий ва ҳарбий-ҳаво атташеси полковник Б. Мамула, ҳарбий атташе ёрдамчилари майор Р. Бучуревич ва майор М. Маринкович элчига ҳамроҳ бўлиб келган эди. Элчи уларни К. Е. Ворошилов билан таништирди.

Ишонч ёрлиқлари топширилган вақтда СССР Олий Совети Президиуми Секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Европа бешинчи бўлими мудири вазифасини бажарувчи К. Д. Левичкин, СССР Олий Совети Президиумининг Протокол Бошлиғи Г. И. Фомин ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков ҳозир бўлдилар.

К. Е. Ворошилов ва Элчи В. Мичунович нутқ сўзладилар. Элчи В. Мичунович ўз нутқида ишонч ёрлиқларини топшириш ўзи учун айниқса катта шараф эканлигини айтди. Югославия Федератив Халқ Республикаси Президенти Маршал Иосип Броз-Тито уни шу ишонч ёрлиқлари билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Мухтор Элчи қилиб тайинлаган эди.

Элчи айтдики, иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларда дўстона ҳамкорликни ривожлантириш йўлида ҳозирги вақтгача эришилган катта муваффақиятлар шу нарсага бизнинг ишончимизни оширдики, бу йўлдаги бундан кейинги интилишлар мамлакатларимиз манфаатларида, бутун дунёда тинчлик ва прогресс манфаатларида янада анча катта натижаларга олиб келади.

Мен Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида Фавқулодда ва Мухтор Элчи вазифасини бажаришга киришганимда, Сиз, ўртоқ Раиси, ишонтириб айтишни истайманки, деди В. Мичунович, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратимни сарфлайман. Айни бир вақтда мен бу соҳадаги фаолиятимга Сиз ўртоқ Раис ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати тўла ёрдам бериб туради деб ишонч билдиришни истайман.

Элчи ўзига Югославия Федератив Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги дўстликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ишлаш имкониятини берилганлигидан мамнун эканлигини айтди.

К. Е. Ворошилов жавоб нутқида Элчини табриклаб бундай дейди: ССР Иттифоқи ва Югославия Федератив Халқ Республикаси Ҳукуматлари 1955 йил 2 июньда Декларация имзолаган вақтдан буён мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда яхшилашда, самимий дўстликни мустаҳкамлашда ва хартарафлама ҳамкорликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилдики, бу — қардош халқларимизнинг қизғин истагига мос келади.

Мен, деди К. Е. Ворошилов, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг янада кучайиши иккала мамлакат учун янада каттароқ ижобий натижаларни беради, бутун дунёда тинчлик ва прогресс ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлади, деган фикрингизга тамомила қўшиламан.

К. Е. Ворошилов Элчига югослав ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни ҳамда ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги олижаноб фаолиятида Элчига муваффақият тилади.

Сиз амин бўлингизки, ўртоқ Элчи, Сизнинг бу соҳадаги фаолиятингизни, деди К. Е. Ворошилов, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совета Президиуми ва Совет Ҳукумати тўла тушунади ва унга доимо ёрдам бериб туради.

Ишонч ёрлиқлари топширилганидан кейин К. Е. Ворошилов В. Мичунович билан суҳбат қилди. Суҳбатда Н. М. Пегов ва В. В. Кузнецов қатнашдилар.

Картошка ва сабзавот экишни кучайтирайлик

Яқинда Ўзбекистон КП область комитетида Тошкент шаҳри атрофидаги районларнинг партия, совет ташкилотлари, МТС раҳбарлари ва сабзавотчилик билан шуғулланучи колхозларнинг раислари иштироки билан кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашга республикамиз составига қўшилган Бўстондиқ район ташкилотлари ва колхозларининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Кенгашда колхозларда эртаги картошка ва сабзавот экишнинг бориши тўғрисида область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Мирзабековнинг доклади муҳокама қилинди.

Докладчи ва музокарага қатнашган ўртоқлар область колхозларида эртаги картошка ва сабзавот экишнинг бориши қониқарсиз эканлигини та'кидладилар. Масалан, Тошкент районида эртаги картошка ва сабзавот экиш плани ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда. Картошка экиш плани 61 процент бажарилган, холос. 114 гектар ўрнига эндигина 36 гектар ерга карам экилган. Хрушчев номли, Каганович номли колхозларда кўчат етишмайди, помидор уруғи етарли миқдорда экилмаган, чиринди тувакчалар жуда кам тайёрланган. Бу ҳол эртаги сабзавотнинг кеч етилишига сабаб бўлади.

Оржоникидзе райони колхозлари сўнгги беш йил ичида картошка ва сабзавот экинлари билан жиддий шуғулланмай қўйганлар. Кўпгина колхозларда экин майдони ва ҳосил камайиб кетмоқда. Бу йил ҳам районда эртаги сабзавот ва картошка экиш қониқарсиз аҳволда бораётир.

Калинин, Қорасув ва бошқа районлардаги кўпгина колхозларда ҳам эртаги картошка экиш муддати ўтиб бораётир. Бунинг сабаби шуки, ҳалигача етарлик уруғлик картошка тайёрланмаган, шунинг учун айрим ҳолларда асоссиз равишда картошка майдони камайтирилиб юборилмоқда. Бирғинд Қорасув районининг ўзида картошка майдонини 435 гектарга камайтириш планлаштирилган.

Кенгашда сабзавотчилик тажриба станцияси ва унинг директори ўртоқ Хўжаевнинг иши қаттиқ танқид қилинди. Бу станция илғор сабзавотчиларнинг тажрибасини оммалаштириш, сабзавот экинлари сортини яхшилашда етарли иш қилмаётир. Станция кейинги 20 йил ичида уруғчилик ишини яхшилаш соҳасида биронта колхозга ҳам ёрдам бермаган. Илмий ходимлар колхозлардан ажралиб қолганлар.

Калинин районидаги Ворошилов номли колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Абдуллаев ўз сўзида айрим колхоз раҳбарларининг картошка экишга мас'улиятсизлик билан қараётганликларини фактлар билан айтиб берди.

— Тошкент районидаги «Октябрь» колхозининг раиси ўртоқ Султонов, — деди ўртоқ Абдуллаев, — илғорлар тажрибаси ва фан ютуқларидан фойдаланмаётир. Бу колхозда уруғлик етиштиришга мутлақо э'тибор берилмайди. Уруғлик сотиб олиш учун ҳар йили ўн минглаб сўм маблағ сарфланмоқда. Бу йил ҳам уруғлик етишмагани учун 75 гектар ерга картошка экилмаган. Маҳаллий ўғит жамғариш топшириғи 50 процентгина бажарилган. Карам ва помидор кўчатлари етиштириш ҳам қониқарсиз аҳволда.

Қорасув районидаги Ленин номли колхозининг раиси ўртоқ Нормуҳамедов ўз сўзида, колхозда бу йил ўтган йилга қараганда картошка майдонининг 90 гектар камайишига ер етишмаганлигини баҳона қилмоқчи бўлди. Броқ унинг бу баҳонаси кенгаш қатнашчилари томонидан қаттиқ қораланди.

Сабзавотчилик тажриба станциясининг директори ўртоқ Хўжаев ўз сўзида станция ишини яхшилашга яқиндан ёрдам бермаётган Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигини танқид қилди-ю, лекин станция ишидаги асосий камчиликларнинг сабабини очиқ айтиб бермади.

Кенгашда Тошкент район МТСининг директори Сарухонова, Қорасув район «XVIII парт'езд» колхозининг раиси Сафарбоев, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Муҳамеджонов ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Кенгаш эртаги картошка ва сабзавот экинлари экишни тезда тугаллаш, экинларни илғор агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилиб, ҳосилни ошириш, механизациядан кенг фойдаланиш, кечки картошка сабзавот экишга ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш, уруғлик тайёрлаш ва кўчат етиштириш тадбирларини белгилаб қарор қабул қилди.

ОНАЛАР ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗ ҒАМХЎРЛИГИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Тикучилар сўзи

СССР Олий Совети Президиумининг «Ҳомиладорлик ва туғиш юзасидан отпуска муддатини узайтириш тўғрисида»ги Фармони пойтахтимизнинг ҳамма корхона ва ташкилотларидаги меҳнаткаш хотин-қизларининг қувончига-қувонч қўшди.

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикучилик фабрикасининг ишчи ва хизматчи хотин-қизлари ҳам бу Фармонни зўр қувонч билан кутиб олдилар. Яқинда мана шу муҳим воқеага бағишланган тантанали митингга кўпминглаб тикучилар коллективининг хотин-қизлари қатнашди. Митингни фабрика бошлангич партия ташкилотининг секретари Л. И. Жарикова очиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети хотин-қизлар билан ишлаш бўлимининг мудири Ҳ. Б. Муҳиддиновага сўз беради. Ўртоқ Муҳиддинова СССР Олий Совети Президиумининг ҳомиладор аёлларга туғишдан аввал ва туққандан кейин бериладиган декрет отпуска муддатини узайтириш ҳақидаги Фармони Партия ва Ҳукуматимиз томонидан она ва болалар тўғрисида қилинаётган буюк ғамхўрликнинг ёрқин далили эканлиги ҳақида ва бу фармоннинг аҳамияти тўғрисида батафсил гапирди.

Митингда сўзга чиққан 3-нчи цех бошлиғи ўртоқ И. Ю. Дьяченко барча тикучи хотин-қизларнинг юрак сўзларини ифодалаб, қаяжон билан шундай деди:

— Партия ва Ҳукуматимизнинг биз хотин-қизларга кўрсатаётган ғамхўрлиги шу қадар чексизки, мен бунинг учун ўз миннатдорчилигимни оддий тил билан ифодалаб бераолмайман. Мен чор Россияси даврида яшаган оналарнинг тақдирини биламан. У пайтдаги она тақдирини ҳозирги, совет тузуми даврида яшаётган она тақдири билан таққослар эканман, мана шундай бахтга эришитирган Коммунистик партиямга, ишчилар синфига бўлган меҳр-муҳаббатим янада ошиб кетади. Мана шу ўз тақдиридан мамнунлик ҳисси бизни халқ манфаати учун садоқат билан меҳнат қилишга ундайди. Биз, тикучилар, 27 март куни квартал планини бажарганлик тўғрисида рапорт бердик. Янги фармонга жавобан биз майолди социалистик мусобақасини янада қизитамиз ва халқимизга пландан ташқари кўплаб кийим-кечак ишлаб берамиз.

Митингда М. Степовая, Қ. Еқубова ва бошқа ўртоқлар янги фармондан миннатдорликларини айтиб, бунга жавобан иш сур'атини оширишга ва'да бердилар.

Ф. УСМОНОВА.

Миннатдорчилик туйғулари

29 мартда Тошкентдаги 1-нчи босмахонада митинг ўтказилди. Босмахона ҳовлисига ишчи ва хизматчилардан иборат жуда кўп киши тўпланган эди.

Босмахона хотин-қизлар советининг раиси ўртоқ Ф. Шамсидинова қисқача кириш сўзи билан митингни очиқ деб э'лон қилади. Шундан сўнг область партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ Ш. Саломовага сўз берилади.

Ўртоқ Саломова Партия ва Ҳукуматимизнинг совет аёллари тўғрисида доим катта ғамхўрлик қилиб келаётганликлари тўғрисида сўзлади.

Босмахона брошюралаш цехининг ишчиси М. Каримова минбарга чиқади. У кўпчилик фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Мен янги Фармонни газетада ўқиганимда қувончимга қувонч қўшилди. Жонажон Партиямиз ва Ҳукуматимиз бахтиёр оналар ва қувноқ болалар тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Биз ана шу буюк ғамхўрликка янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан жавоб берамиз.

Босмахона ишчиларидан М. Антипова, Н. Точилкина ўртоқлар ҳам митингда нутқ сўзлаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва браккa йўл қўймаслик тўғрисида ҳамда ишни социалистик мусобақа асосида уюштириб, планни шараф билан бажариш ҳақида сўзладилар.

Митингда СССР Олий Совети Президиумининг янги Фармонини қизғин ма'қуллаб, резолюция қабул қилинди.

Т. РАСУЛЕВ.

Халқ бахт-саодати йўлида

Тошкентдаги 1-нчи пойафзал фабрикасининг мингдан ортиқ ишчи ҳотин-қизлари оналар тўғрисида янада зўр ғамхўрлик қилаётганликлари учун Партия ҳамда Ҳукуматга самимий миннатдорчилик билдириш мақсадида 29 мартда митингга тўпланди.

Республика Социал та'минот министри В. Содиқова СССР Олий Совети Президиумининг «Ҳомиладорлик ва туғиш юзасидан отпуска муддатини узайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳақида ахборот берди. Ўртоқ Содиқова Ўзбекистонда хотинлар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида кўп иш қилинаётганлиги ҳақида батафсил гапирди.

Цех участка мастери Галина Путятина корхона коллективининг фикрини жуда яхши ифода этди.

— Улуғ Ленин вужудга келтирган бизнинг жонажон Коммунистик партиямиз,— деди у,—меҳнаткашларнинг манфаатларидан бошқа ҳеч қандай манфаатлари бўлмайди. СССР Олий Совети Президиуми қабул қилган Фармон биз, оналарни гоят қувонтирди.

Н. А. БУЛГАНИН ШВЕЦИЯ БОШ МИНИСТРИ Т. ЭРЛАНДЕР ЖАНОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1956 йил 29 мартда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Швеция Бош Министри Т. Эрландер жанобларини қабул қилди.

Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд жаноблари, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман жаноблари, Швеция Ташқи ишлар министрлиги сиёсий бўлимининг Мудири Г. Ярринг жаноблари Бош Министр Т. Эрландерга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол Бошлиғи Е. А. Тарабрин ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

В. М. МОЛОТОВ ШВЕЦИЯ БОШ МИНИСТРИ Т. ЭРЛАНДЕР ЖАНОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

29 мартда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов Швеция Бош Министри Т. Эрландерни қабул қилди.

Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд, Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман ва Швеция Ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг Бош Министр Эрландерга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Швециядаги элчиси К. К. Родионов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари Бўлимининг Мудири М. Г. Грибанов ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Илмий-текшириш ишлари савиясини яхшилайлик

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси партия ташкилотининг КПСС XX с'езди якунларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Р. Ғуломов доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан коммунистлар КПСС XX с'езди партиямиз ва совет халқи тарихида муҳим воқеа эканлигини айтдилар. КПСС XX с'езди экономикамиз ва маданиятимиз соҳасида эришилган ғалабаларимизни якунлади. Совет фани олдида турган конкрет вазифаларни белгилади. Партия XX с'езди совет олимлари олдига, шу жумладан Ўзбекистон олимлари олдига катта вазифаларни қўйди. Йиғилиш қатнашчилари республика олимлари совет фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганликларини айтдилар ва камчиликларни танқид қилдилар. Шуни айтиш керакки, республика фанининг тараққиёти ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарилмаганлигини кўрсатдилар. Пахтачиликни тараққий этдиришга тааллуқли илмий проблемалар суст ҳал қилинмоқда. Ғўза биологияси, пахта химияси, пахтанинг тез пишадиган нав'ларини етиштириш, агротехникани такомиллаштириш каби масалаларга тааллуқли илмий-текшириш ишларининг аҳволи талабга жавоб бермайди.

Республика саноатини тараққий эттириш, айниқса ишлабчиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш масалаларини ҳал қилиб бериш юзасидан етарли иш олиб борилмаётир.

Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми ва бўлимлари институтларда илмий-текшириш ишларини яхши йўлга қўйилишини та'минлаётирлар.

— Фанлар академиясининг президиуми, бўлимлари, — деди химия институтининг директори Ўртоқ Алиев, — институтларнинг иши билан етарли қизиқаётирлар. Президиум майда-чуйда масалаларни тез-тез муҳокама қилади. Лекин катта аҳамиятга эга бўлган йирик илмий проблемалар муҳокама қилинмайди. Чунончи, кейинги тўрт йил ичида концентратлаштирилган минерал ўғитлар, пахта химияси юзасидан қандай иш олиб борилаётгани ва бошқа масалалар бир марта ҳам муҳокама қилинмади. Бизда пахта химияси ўрганилмаётир, республиканинг туз ресурсларини ўрганиш юзасидан иш олиб борилмаётир.

Геология институти лабораториясининг мудири Ўртоқ Мавлонов ўз сўзини республикада ерости сувларидан фойдаланиш масаласига бағишлади. У, республикада ерости сувларининг жуда катта запаси борлигини, лекин ана шу табиий бойликни ўрганиш ва ундан халқ хўжалигида фойдаланиш йўлларини ишлабчиқиш юзасидан академияда ҳечқандай иш олиб борилмаётганлигини айтди.

Коммунистлар республикада ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ривожланиши ҳам талабга жавоб бермаслигини, бунинг учун асосан академия ва илмий-текшириш институтлари жавобгар эканлигини айтдилар.

Коммунистлар академия партия ташкилоти илмий-ташкилий ва сиёсий ишлар савиясини яхшилашга етарли эътибор бермаётганини, академия ва институтларнинг раҳбарларидан илмий-текшириш ишларини яхши йўлга қўйишни талаб этмаётганини кўрсатдилар.

Академияда илмий-текшириш ишларининг аҳволи ёмонлигига етук илмий кадрлар тайёрлаб етиштирилмаётганлиги ҳам кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда. Бу масала партия ташкилотини ташвишлантирмаётир.

Партия йиғилиши йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш, илмий-текшириш ишларининг савиясини яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

Шаҳар аҳолисига кўпроқ сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари берайлик

Бўстондиқ район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС XX с'ездининг якунлари ва район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида район партия комитетининг секретари Ўртоқ И. Ладушкининг докладини эшитди ва муҳокама қилди.

Докладчи ва музокарада чиқиб сўзлаган коммунистлар район меҳнаткашлари КПСС XX с'ези қарорларини яқдиллик билан ма'қуллаётганликларини та'кидладилар, хўжалик, партиявий-ташкилий ва идеология ишларининг аҳволини чуқур анализ қилдилар.

Сўзга чиққанлар колхозчилар с'езд қарорларига жавобан чорвачиликни ривожлантириш, сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштириш учун курашни кучайтираётганликлари ҳақида сўзладилар. Улар район партия ташкилотини, бу йил чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот ва картошка ўтган йилдагига қараганда анча кўп етиштирилади, Тошкент ҳамда Чирчиқ шаҳарлари аҳолисининг ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча зарур чоралар кўрилади, деб ишонтирдилар.

Пленумда асосий эътибор бошланғич партия ташкилотларининг жойларда с'езд қарорларини пропаганда қилишни кучайтиришлари, бу ишга коммунист ва комсомоллар кенг жалб қилинишни лозимлигига қаратилди.

Коммунистлар КПСС XX с'езди қарорларини яқдиллик билан ма'қулладилар. Пленум с'езд қарорларини амалга ошириш, олтинчи бешйилликнинг чорвачилик соҳасидаги топшириқларининг тўла бажарилишини та'минлаш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

Ч. ИСРОИЛОВ.

СОВЕТ САВДОСИ А'ЛОЧИСИ

Олтинчи бешйиликда Охангарон шаҳаридаги савдо корхоналари тормоқлари кенгайтирилади, меҳнаткашларга маданий савдо хизмати кўрсатиш анча яхшиланади. Бу соҳада «Ўзбекуголь» трести ҳузуридаги ишчилар та'миноти бўлими бирқатор тадбирларни белгилаб чиқди. Белгиланган тадбирларга мувофиқ савдо точкалари ва умумий овқатланиш корхоналари, саноат ҳамда озиқ-овқат молларининг ассортименти кўпаяди.

Шу кунларда шаҳар савдо ходимлари ўртасида «Меҳнаткашларга а'ло даражада хизмат кўрсатиш учун» деган шиор остида бошланган ўзаро социалистик мусобақа авж олиб кетди. Бу мусобақа ўзининг ижобий натижаларини кўрсатабошлади. «Ўзбекуголь» трести ОРСига қарашли 26-нчи саноат моллари магазини мудири Шукур Бадалов шаҳар савдо ходимлари ўртасида бошланган ўзаро социалистик мусобақанинг ташаббускори ва унинг ғолибларидан биридир. Ўртоқ Бадалов қарийб 12 йилдан буён шахтёрларга маданий савдо хизмати кўрсатиб келмоқда.

Ўртоқ Бадалов ҳарбир харидорни хушмуомалалик билан:

— Келинг, хизмат, — деб кутиб олади. У харидорнинг талаби ва эҳтиёжини сезгирлик билан кузатиб боради. Агар харидор ўзи истаган буюмини топаолса жуда яхши. Борди-ю унинг истаган буюми бўлмай қолса, у вақтда Бадалов харидорнинг илтимосини махсус дафтарга қайд қилади. Бадалов бу билан чегараланиб қолмайди. У дарҳол исте'молчилар талабини ОРС раҳбарларига билдиради ва тегишли молларни магазинга келтириб қўйишга эришади. Харидорлар билан яқин алоқада бўлганлиги, уларнинг талабларини қондириш учун баконидил хизмат қилаётгани сабабли Бадаловни ҳамма ҳурмат қилади.

Магазиннинг таклифлар дафтари билан танишсангиз унда жуда кўп раҳматномаларни кўришингиз мумкин. Биз улардан айримларини келтирамиз:



«Мен 9-нчи шахтадан ишчилар контроли сифатида Ўртоқ Бадалов ишлаётган 26-нчи магазинни бирнеча бор текширдим. Лекин ҳарсафар ҳам магазиннинг тартибилиги, сотувчиларнинг ҳушмуомалалиги ва ҳалолликлари менда яхши таассурот қолдирди. Энди-ликда акт ўрнига раҳматнома ёзиб кетишга тўғри келади. Федотов Семён Иванович».

Юк ортиш-транспорт бошқармасининг паровоз машинисти Ўртоқ Мисюк қуйидагиларни ёзади:

«Мен 26-нчи магазиндан оддий клиентлар қаторида кўпдан бери харид қилиб турраман. Савдо ходимлари, айниқса Ўртоқ Бадалов ҳарбир харидорга нисбатан тўғри муомалада бўлади ва унинг эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилади. Мен совет савдосининг ривожи учун курашаётган Ўртоқ Бадаловга раҳматнома э'лон қиламан».

Шукур Бадалов ўзининг кўпйиллик хизмати жараёнида савдо обороти йиллик планини ҳардоим 110 процент ва ундан ҳам ошириб адо этиб келмоқда. Шунинг учун Ўртоқ Бадалов «Ўзбекуголь» трести ОРСининг ҳурмат китоби ва ҳурмат тахтасидан фахрли ўрин эгаллаган. Ўртоқ Бадалов бирнеча бор Главворснинг мақтов ғогози ва пул мукофотини олишга сазовор бўлди.

Шаҳар меҳнаткашлари Бадаловнинг ҳалол меҳнатларини ҳисобга олиб унга катта ҳурмат билдирдилар. Уни меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советига депутат қилиб сайладилар. Ҳозир Ўртоқ Бадалов шаҳар Советининг савдо доимий комиссиясининг а'зоси сифатида ижроия комитетга актив ёрдам кўрсатмоқда. У ОРС бошлангич партия ташкилоти томонидан КПСС сафига кандидат қилиб қабул қилинди.

Яқинда СССР Кўмир саноати министрлигининг Главворсидан яна бир хушхабар олинди. Бунда «Ўзбекуголь» трестининг ишчилар та'миноти бўлими ходимларидан 5 киши «Совет савдоси а'лочиси» деган значок билан мукофотланган-лигини айтилган. Булардан биринчиси Шукур Бадаловдир.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ИМКОНИЯТЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИБ

Чирчиқ шаҳридаги УПР — 225 қурилиш бошқармасининг бинокорлари қурилиш об'ектларидаги ички имкониятлардан кенг фойдаланиб, смена ва ойлик топшириқларини муддатидан илгари бажараётирлар. Илғор гишт теручилардан опа-сингил Олга ва Мария Ермоловалар ва бошқа Ўртоқлар ҳардоим смена нормасини 1,5 ҳиссага етказиб адо этмоқдалар.

Яқинда бошқарма қуручилари «Чирчиксельмаш», «Средазхиммаш» заводларининг ишчиларига 2 та болалар боғчаси, бирнеча янги уй-жой биноларини муддатидан илгари қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР КЕЧАСИ

Яқинда Сирдар'ё район комсомол комитетининг ташаббуси билан Маданият уйи клубида комсомол-ёшлар кечаси ўтказилди. Кечага колхозчилардан, маҳаллий саноат корхоналарининг ишчиларидан, хизматчилар ва мактаб ўқувчиларидан 300 га яқин комсомол-ёшлар иштирок этди. Кечада район комсомол комитетининг лектори Ўртоқ Раонева томонидан «Совет кишиларининг ма'навий қиёфаси» деган темада ўқилган лекцияни йиғилганлар катта қизиқиш билан тингладилар. Кеча охирида райондаги Молотов номли ўрта мактаб ёдний ҳаваскорлари томонидан концерт қўйиб берилди.

П. ҒУЛОМОВ.

АШУЛА БАЙРАМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Қўлга олинмади, бир марта ҳам чалинмади

Кечки пайт. Бир тўда комсомол-ёшлар ишдан қайтиб келар эдилар. Шу пайт нима бўлди-ю, гапдан гап очилиб, яна ўша эски «ҳасратлари» икки йилдан бери амалга ошмай келаётган орзулар ҳақида қизғин суҳбат авж олиб кетди. Улар орасида қўшиқ айтишни жон-дили билан севган тракторчи Собир, рубобчининг мақомига қойил қолиб, «чертганда юрагингни қитиқлайди-я, шу торни қандай қилиб ўрганса бўларкин», деб юрган шофер Абдулла, скрипка чалишга меҳр қўйган колхоз а'зоси Музаффар каби музика ҳаваскорлари бор эди.

Хўш, ёшларда музикани ўрганишга шу қадар катта ҳавас бор экан, интилиш зўр экан, ўрганабермайдиларми, бунга ким тўсқинлик қилиши мумкин, ахир?!

Собир, Абдулла ва Музаффарларнинг «ҳасратлари»да амалга ошмаётган орзулари замирида ҳудди мана шу муаммони ҳал қилиш масаласи акс этган эди.

— Район комсомол комитети, қолаберса район маданият бўлимидаги Ўртоқларнинг гапларида жон бор экан, — деди ниҳоят трактрочи Собир Орифжонов,—парткомимиз Ўртоқ Ражабовнинг айтишларига қараганда, агар музика раҳбари бўлмаса, биз доирани ёриб қўяр эмишмиз, рубоб ва скрипкаларнинг симини узиб, ишдан чиқарармишмиз.

— Бўлмаса, нега музика раҳбари чақиришмайди, — гапга Музаффар Қурбонов аралашди, — ахир музика асбоблари қуруқ савлат учун сотиб олинган эмас-ку?! Агар асбоблар қўлга олинмаса, ҳеч чалинмаса унинг кимга кераги бор!

— Колхозчиларнинг пешона тери билан топган 5 минг сўм пуллари икки йилдан бери фойдаланилмай, темир кассада ётиптн дегандай гап, — Абдулла Мансуров суҳбатдошларининг фикрини қувватлади.

Ҳаваскорлар колхоз идорасига яқинлашганларида беихтиёр музика асбоблари турган хонага қайрилиб қарадилар, хонанинг эшиги одатдагидай қулф эди. Ёшлар икки йилдан бери шу хонада чанг босиб ётган ўша музика асбобларини кўз олдиларига келтирдилар.

— Аттанг, эссизгина...

Бу Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь» колхозида бўлиб ўтган воқеа эди. Правление раиси Ўртоқ Пискорский ҳам, бошлангич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ражабов ҳам ёшларнинг — музика ҳаваскорларининг ана шундай ҳақли талабларини ўнларча марта эшитган бўлсалар ҳам, «хўп, тўғрилаймиз, тўғарак ишини йўлга қўйиб юборамиз» деб бирнеча марта ширин ва'далар берган бўлсалар ҳам, уни амалга оширш ишига бефарқ қараб келмоқдалар, «музика раҳбари топаолмаётганмиз», деган қуруқ баҳонадан нарига ўтаолмаётирлар. Ҳаваскор ёшларнинг ўзлари бу ишга жазм қилганларида эса «ёриб қўясизлар, бузиб қўясизлар» деб уларни музика асбоблари турган хонага йўлатмаётирлар.

Районда 5 минг сўмдан нақд пул сарф қилиб, музика асбоблари сотиб олган ва улардан фойдаланаётган колхозлар оз эмас. Свердлов номли, Карл Маркс номли, Куйбишев номли, Жданов номли колхозлар ана шулар жумласидандир. Бу колхоз раҳбарлари ҳам «Қизил Октябрь» колхози раҳбарларидан қолишмаётирлар. Улар ҳам ёш талантларнинг музика асбобларини ўрганишга бўлган қизиқишлари билан ҳисоблашмаётирлар.

Колхозлардаги раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам ҳудди бир-бирлари билан аввалдан келишиб қўйгандай «музика раҳбари йўқлиги»ни рўкач қилиб кўрсатмоқдалар. Хўш, раҳбарлар бирон марта бўлса ҳам бу ҳақда бош қотириб кўрдиларми, область Маданият уйига, ё бўлмаса Республика халқ ижоди уйи ходимларига талабнома ёзиб, музика раҳбари юборишни сўрадиларми? Мутлақо йўқ. Шундай экан, баҳоналар ахтаришнинг энди нима кераги бор!

Ҳаммадан қизиғи шундаки, район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими, район маданият бўлимидаги Ўртоқлар билан шу ҳақда суҳбатлашиб қолсангиз, улар ҳам бамайлихотирлик билан Жданов номли колхознинг парторги В. Эсергафов, Свердлов номли колхознинг парторги Топганов, Куйбишев номли колхознинг парторги Т. Ғуломов Ўртоқларнинг бир хилдаги «музика раҳбари бўлмаса, ёшлар асбобларни ёриб қўйишади, бузиб қўйишади», деган ноўрин баҳоналарини такрорлайдилар. Бу муҳим ишга амалий раҳбарлик қилиш, ёшларга ёрдам бериш, колхоз раҳбарларидан музика тўгараги ташкил этишни талаб қилиш ўзларининг шарафли вазифалари эканлигини тушунмайдилар. Ғўё бу ишлар худди уларга алоқаси йўқдай хотиржам юрмоқдалар.

Ҳозир областимизнинг шаҳар ва районларида май ойида ўтказиладиган Ашула байрамига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Лекин айрим жойларда музика тўгараклари сонини, ёш талантлар сонини ошириш, уларнинг музика, ашула соҳасидаги қобилиятларини тарбиялашга етарли эътибор берилмаётир. Верхне-волинск районида эса барча имкониятлар мавжудлигига қарамай, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ишига эътибор берилмаётир.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари халқ талантларини тарбиялашда колхозларда йўл қўйилаётган ана шундай камчиликларни тезда бартараф қилиб, Ашула байрамига тайёргарликни кучайтириб юборишлари керак. Шунингдек, область Маданият бўлими ва Республика халқ ижоди уйи ходимлари ҳам жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан чуқур танишишлари ва район ҳамда қишлоқларда ташкил қилинган бадиий ҳаваскорлик тўгараклариға амалий ёрдам беришни уюштиришлари лозим.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Кино хизмати яхшилансин"

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 1 февраль сонида босилган материалда Ховос район маданият бўлимининг ҳозирги талаб даражасида ишламаётгани, меҳнаткашларга кино хизматини яхшилаш ишларига э'тибор берилмаганлиги танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Ховос район Совети ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Қодировнинг редакциямизга ёзишича, текширишда газетада кўрсатилган фактлар тўла исботланган. Район ижроия комитетининг мажлисида текшириш натижаси муҳокама қилиниб, маданият бўлими мудири Головановнинг плансиз ишлаши қаттиқ қораланган ва у огоҳлантирилган. Мажлисда қишлоқ Советларида ва колхозларда маданий-оқартув ишларини жонлантириш ҳамда кино хизматини яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинган.



Спектаклдан бир кўриниш. Суратда: Хлебников (ЎзССР халқ артисти Ш. Боева), (чапдан) Павлик (артист Т. Азизов), Бурхонов) ва Марьяна (артист Э. Малик-О. Горлин фотоси.

ТЕАТР

„Бир шахснинг масаласи"

Главка техника бўлимининг бошлиғи, инженер Алексей Кузьмич Хлебников партиядан ўчирилади. Унинг гарданига оғир айблар қўйилади, совет кишисига ёт бўлган ишларга қўл урганликда, фош қилинган душман агентлари билан ҳамкорликда қораланиб, ишдан турган жойидан, қадрдон ҳамкасб дўстларидан, 18 йилдан буён унинг садоқатли а'зоси бўлган Коммунистик партия сафидан четлаштирилади. Буларнинг ҳаммасидан маҳрум бўлиш—Хлебников учун нақадар оғир ва аянчли.

Мана, Хлебников ўз уйида, болалари орасида қалбида туғ'ён урган оғир кечинмаларни пиҳон тутиб, уйнинг у чеккасидан бу чекасига бориб келмоқда. Кўзи иш столига, телефонга, чертёжларга ва шкафларда қатор терилган китобларга тушади. Улар ҳозир хомуш кўринади. Хлебников ҳар куни улар билан бирга яшарди, тунни уйғоқ ўтказиб, инженерлик қобилиятининг бутун кучини янгиликлар яратишга, техника прогрессининг равнақи учун ижодий изланишларга бағишларди. Унинг ишини Москвадаги, Уралдаги корхоналарнинг коллективлари қадрларди, ундан янги схема ва таклифларни сўраб, маслаҳатлашиб туришарди. Энди-чи? Энди буларнинг ҳаммасидан маҳрум бўлган.

Хлебников телефон билан тугруқхонага звонить қилмоқда. Хотини у ерда, янги фарзанд кутмоқда. Кўнгилга турли хаёллар чувалиб келади. Хлебников бу хаёлларни тарқатишга, ўзини бардам тутишга интилади, болаларига илтифот билан қарайди. Деразадан Москва осмонига қарайди. Паға-паға ёғаётган қор орасидан Кремльнинг ёқут юлдузлари яркираб кўринади. Хлебников Челябинскка тегишли ҳужжатларни жўнатади. Яна телефон олдига келиб тугруқхонадан хабар кутади.

Тамошабин бу воқеаларни кўрар экан, инженер Хлебниковнинг тақдири билан қизиқади, унинг руҳий кечирмаларини кўнглидан ўтказиб, масаланинг охири нима билан тугар экан, деб воқеаларнинг ривожланиб боришини зўр э'тибор билан кузатабошлайди. Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрининг яқинда саҳнага қўйган «Бир шахснинг масаласи» спектакли ана шу воқеалар билан бошланади. Драматург Александр Штейннинг бу пьесасини ёзувчилардан Асқад Мухтор ва Ваҳоб Рўзиматов таржима қилган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Тошхўжа Хўжаев партия шарафи учун курашучи ажойиб совет кишиларининг мустаҳкам иродасини, олижаноб хислатларини ифодаловчи пьесани саҳналаштиришда театрнинг ижодий коллективи билан самарали иш олиб борган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби С. М. Миленин спектакль руҳига мос келадиган, воқеаларнинг ривожланишига ёрдам берадиган детальларни топабилган, саҳна безаклари Хлебниковнинг оила ҳаёти ва у ишлаб турган Главкадаги ҳаётни ҳаққоний акс эттиришга хизмат қилади.

Театр коллективи бу спектаклни КПСС XX с'езди кунларида тамошабинларга кўрсатди. Спектакль театр коллективининг шонли партиямиз XX с'ездига тайёрлаган энг яхши совғасидир.

Спектаклда театрнинг асосий ижодий кучлари қатнашади. Ҳарбир артист ўз роли устида қунт билан иш олиб бориб, персонажларнинг ёркин образларини яратиш учун жиддий ҳаракат қилган. Хлебников ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти Шукур Бурхонов ва спектаклнинг постановкачи-режиссёри Т. Хўжаев ижро этган. Бу образ спектаклнинг марказий персонажларидан бўлиб, қолган образлар ана шу персонажнинг ҳаёти, ишига муносабатда ва турли қарама-қаршиликларда кўрсатилади. Шукур Бурхонов Хлебниковнинг мустаҳкам иродасини, ўзининг туҳмат ва риёкорлик натижасида партиядан ўчирилганлигини, бунинг натижасида турли қийинчиликларга дуч келганлигини, ба'зан нима қилишни билолмай ўзини паришон тутишини жуда ишонарли ва характерли детальларда талқин этади. Шукур Бурхонов яратган образ тамошабин ҳурматини қозонади. Бу образ Т. Хўжаев ижросида аса бироз пассив талқин этилган. Хлебников—Хўжаев оилада ҳам, дўст ва мунофиқ кишилар билан учрашганда ҳам ҳардоим бирхилда — паришонхотир, ёркин орзу-умиллардан ажралган кишидай кўринади. Тамошабин Хлебников—Хўжаевнинг қалбида жўш урган туғ'ён ва интилишни, унинг ҳаракат ва муомилаларидан равшан билиб ололмайди. Хўжаев инженер, коммунист Хлебников образини ҳартомонлама очиб бериш учун умуман муваффақиятли яратилган бу роль устида ишлашни давом этдириши керак.

СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева Хлебниковнинг хотини Александра Ивановна образини яратишда катта муваффақиятларга эришган. Александра Ивановна эрининг оғир аҳволга тушиб қолганлигини билиб, унинг дардини енгиллаштиришга ҳаракат қилади, эрининг фаолиятида қоронғи томонларни сезмаганлигини билади, унинг ноҳақ партиядан ўчирилганлиги учун қайгиради ва бу ишнинг қандай пайдо бўлганлигини билишга, эрини ноҳақ туҳмат ва жазодан сақлаб қолишга отланади.

Александра Ивановна — Эшонтўраеванинг министрлик кадрлар бўлимининг бошлиғи Полудинга айтган сўзлари характеридир. Риёкор Полудин Александра Ивановнага, унинг эри ишдан четлаштирилганлигини айтиб, Александра Ивановнани бирор ишга жойлаштириб қўйиш истагини билдиради. Полудин Александра Ивановнага, сизнинг бирор касбингиз борми деб сўрайди.

— Бор, — деди у.

— Нима?

— Хотин,—деди ғурур билан Александра Ивановна. Бу қат'ий жавобда унинг Полудинга нафрат ва истеҳзо билан қараганлиги, эрини ишдан ноҳақ бўшатган калтабин, риёкор кишиларга қарши кураша отланганлиги ифодаланган. Полудин мансабпараст ва муғомбир ходим. У илгари ўзини Хлебниковга яқин тутиб, унинг ижодий-техника ишларига шерик бўлишга ҳаракат қилиб келган. Бу қалбаки ишдан ҳечнарса чиқмаганидан кейин, тўғрини тескари кийиб, Хлебниковни ёмонлаш ва унинг тўғрисида турли уйдирмаларни тўқишга киришган. Полудин қабиҳ ишда, ўз мақсади йўлида бирқанча «муваффақият»га эришади. Главка партия ташкилотининг секретари ёрдами билан партия ташкилогининг қарорини тузиб, Хлебниковнинг тақдирини «ҳал» этади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Наби Раҳимов Полудиннинг айёрлиги, амалпарастлиги ва игвогарлигини ишонарли талқин этишга ҳаракат қилган. Талантли артист бу ролга ижодий ёндошиб, характерли детальлар топабилган. Ўнинг партия ташкилотининг секретари ва Главка ходимлари билан сўзлашганда ўзини такаббур тутиши, ёлғон туҳмат ва буйруқ йўли билан бир шахснинг масаласини чигаллаштириб юбориши, Александра Ивановна билан бўлган суҳбатда унга «азизим» деб хушмуомилалик билан айёрлик қилиши тамошабинда Полудинга нисбатан нафрат ва газаб уйғотади.

Броқ бу детальларнинг ҳаммаси Полудиннинг кимлигини аниқ-равшан кўрсатиб беролмайди. Тамошабин Полудиннинг ахир у қандай шахс эканлигини билолмай, гумонсираб ўтиради. Наҳотки, бундай ярамас бир киши катта бир ташкилотнинг айрим ходимларини, шу жумладан партия ташкилотининг секретарини ўз томонига агдариб олса, деб мулоҳаза юритади.

Спектаклда биринчи ранг капитан Ион Лукич Черногубов образи яратилган. Ватанпарвар кекса коммунист, жанговар офицер, ўн саккиз йил илгари Хлебниковни партияга қабул қилиш учун кафолат берган Черногубов ўзи тавсия этган кишининг партияга нолойиқ киши бўлиб, қораланганлигини билиб, бу ишнинг пидизини аниқлашга ҳаракат қилади, бу ишдан четда туришни ўзига ор-номус деб билади. Ўзбекистон ССР халқ артисти Лутфулла Назруллаев Черногубов образини умуман муваффақиятли яратган. Лекин артист ҳали бу жонкуяр, принципиал ва саботли коммунистнинг образини янада мукаммалаштириши керак. Черногубов-Назруллаев саҳнада ба'зан алланарсалардан ҳавотир бўлиб юрадиган, жур'ат ва кураш ўрнига чуқур ҳаёл суришдан нарига ўтолмайдиган кишидай гавдаланади. Артистнинг ҳарбир қадами, айтган сўзи, юриш-туриши, ички кечинмаларга бериб, софдил бир кишининг қисмати учун қайғу чекиши реал ва ҳаётий бўлиши керак. Бу эса образнинг ҳақиқий қиёфасини ифодалайди. Черногубов образи эса Ватан учун, партия учун астойдил курашучиларнинг образидир. Шунинг учун ҳам бу образнинг янада пухта ва жанговар қиёфада бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Са'ди Табибуллаев Главка техника бўлимининг инженери Колокольников ролини ижро этган. Колокольников принципсиз ва қўрқоқ, қуруқ мулоҳазали ходим. У, коммунист бўлса-да, броқ унинг коммунистга мансуб бўлмаган ҳислатлари бор. «Юқоридан» қаттиқ талаб этилган ҳарбир нарсани кўр-кўрона бажаришга одатланиб қолган. Шунинг учун ҳам кўп йиллардан буён бирга ишлаган ва ён қўшниси бўлган Хлебников тўғрисидаги уйдирма гапларни эшитиши баноқ, ўзини четга олиб қочади, ҳатто партия йиғилишида ҳам бу масала муҳокама қилиниб овозга қўйилганда, бетараф қолиш учун баҳона топиб ташқарига чиқиб кетади. Табибуллаев Колокольниковнинг ана шу иккиюзламалик ва калтабинлик каби ярамас томонларини очиб бераолган. Броқ ба'зи ўринларда бу образнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳаддан ташқари оширибюборилиб, бирқадар сун'ийликка йўл қўйилган. Колокольников анқовми, қўрқоқми ёки партияга тасодифан ўтиб қолган кишими, ана шу томонлар аниқ очиб берилиши зарур.

Спектаклда Главка бошлангич партия ташкилотининг секретари Анна Семёновна Дергачева образи яратилган. Бу ролни Ўзбекистон ССР халқ артисти Икромя Болтаева ижро этади. Дергачева ландовур ва мушоҳидасиз секретарь. У, Полудиннинг кўрсатмаси билан иш тутади, ҳатто партия ташкилоти йиғилишининг қарорини ҳам унинг диктовкаси билан тузади. Бундай усул ва фаолият яхшиликка олиб бормайди. Натижада Дергачева ўз қилмишларига яраша жазога учрайди, партия коллегиясида унинг тутган мавқеи қораланади, Хлебников гуноҳи йўқлиги аниқланиб, партия билетини қайтариб олади. Болтаева Дергачеванинг ландовурлиги, принципсизлигини янада равшан кўрсатиш учун ҳаракат қилиши керак. Чунки артист бу рольда кўпчиликнинг ҳоҳиши билан сайланган парторг сифатида эмас, балки қабулхоналарда ўтириб, иш билан келучи кишиларни қабул қилучи техник секретарьларга ўхшайди.

Партколлегия инструктори Малютина (Ўзбекистон ССР халқ артисти Мария Кузнецова), Колокольниковнинг хотини Клавдия Сергеевна (Ўзбекистон ССР халқ артисти Мар'ям Ёқубова) ролларини ўзининг пухта ишланганлиги билан тамошабинлар диққатини жалб этади. Шунингдек, театрнинг ёш артисти Эркли Маликбоева Александра Ивановнанинг қизи Марьянанинг қизиқарли образини яратган. Марьяна—Маликбоева ота-онага меҳрибон, ўқишга, ҳаётга зўр иштиёқ билан қарайдиган ғайратли қиздандир.

Хлебников хотинининг қариндоши Федя тоға (Ўзбекистон ССР халқ артисти Сайфи Олимов), Колокольниковнинг ўғли Степан (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Махсум Юсупов) ҳам Хлебников оиласида, унинг бошига катта ташвиш тушган бир пайтда ҳамдард сифатида кўрсатилади. Степан Марьянани севади, Хлебниковнинг бўлажак куёвидир. Бу образларни ҳам янада мукаммаллаштириб бориш керак. Чунки С. Олимов ҳам, М. Юсупов ҳам бу рольларда ўзларини яркин тутмагандай кўринадилар.

Спектакль совет воқеълигининг муҳим темасини акс эттириб, партия сафларини мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириш зарурлигини та'кидлайди. Хлебниковв ва унинг оила а'золари, шунингдек Черногубов, Малютиналар ана шу тарафли бурчни пок сақлаб қолиш учун курашадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган айрим камчиликлардан қат'ий назар, «Бир шахснинг масаласи» спектакли театр коллективининг янги ижодий муваффақиятидир. Спектаклда эришилган муваффақиятни мустаҳкамлаш, уни янада мукаммаллаштириш, ҳарбир образнинг тўлақонли яратилиши учун театр коллективида ҳамма имкониятлар бор.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

КОЛЛЕКТИВ ХЎЖАЛИКНИ ТОБОРА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН

«Қишлоқ хўжалик артелининг Намуна Устави қабул қилинган вақтдан бери колхоз қишлоғида жиддий ўзгаришлар рўй берганлигини, янги моддий техника базаси вужудга келтирилганлигини, коллектив хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида бой тажриба тўпланганлигини, колхозчи деҳқонларнинг сиёсий онглилиги ошганлигини, шаҳарлардан юборилган ўттиз мингчилар ҳисобига ҳам, шунингдек колхозчи деҳқонлар орасидан ўсиб етишган, кўптармоқли йирик хўжаликка раҳбарлик қилишга ва коллектив хўжаликни бошқариш масалаларини амалий равишда тўғри ҳал қилишга лаёқатли кадрлар ҳисобига ҳам колхозлар тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланганлигини, шундай шароитда колхозлар давлатнинг умумхалқ манфаатларига, колхозларнинг ижтимоий манфаатларига ва колхозчиларнинг шахсий манфаатларига асосланиб туриб колхоз ҳаётига тааллуқли масалаларни ўзлари шу вақтгача бўлиб келганига қараганда яна ҳам анча мустақилроқ ҳал қилаоладиган бўлиб қолганликларини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхозларга, деҳқончиликни ва чорвачликни кескин равишда юксалтиришдан иборат асосий вазифага асосланиб, колхознинг маҳаллий, конкрет шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик артели қабул қилган Уставнинг айрим моддаларини ўзлари тўлдирсинлар ва ўзгартирсинлар, деб тавсия қилишни маслаҳат беришни зарур деб ҳисоблайдилар».

(КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалик артелининг Устави ва колхоз ишлабчиқаришини ташкил этишда ҳамда артель ишларини бошқаришда колхозчиларнинг ташаббускорлигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қароридан).

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз активларининг йиғилишида

Шу кунларда социалистик қишлоқ кишилари зўр кўтаринкилик билан кўклам экиш кампаниясига тайёрланмоқдалар. Ана шу тайёргарлик ишлари олиб борилаётган пайтда колхозларда КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қишлоқ хўжалик артелининг Устави ва колхоз ишлабчиқаришини ташкил этишда ҳамда артель ишларини бошқаришда колхозчиларнинг ташаббускорлигини янада ривожлантириш тўғрисида; колхозчиларга ҳар ойда аванс бериб туриш ва колхозларда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида чиқарган қарорларини қизғин муҳокама қилмоқдалар ва ўзларининг ер шароитлари, хўжаликларининг каттакичиклиги, олинаётган ҳосилнинг оз-кўплиги ва шунга ўхшаш масалаларни ўртага ташлаб, уни ҳал этиш режаларини тузмоқдалар.

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхоз активлари — бригада ва звено бошлиқлари, коллектив хўжалик тузиш давридан бошлаб ҳозиргача колхоз ишида қатнашиб келаётган ватанпарвар кексалар, ишчан аёллар, чорвадорлар, боғбонлар ва бошқалар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини, колхоз ишларини бошқаришда ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилишга ҳаммадан кўра кўпроқ ҳақлари борлигини, колхоз ишларини бошқаришда ҳар бир колхозчининг ўз фикрини эркин баён қилиши қатнашчиларининг ҳар бирига аниқ ва равшан.

Кечга яқин колхоз радиоузелидан бугун раис кабинетида правление аъзоларининг активлар билан биргаликда йиғилиши бўлади, деб эълон қилинди. Ер тақсимлатаётган, пахтазорни бороналаётган, мева дарахтлари ва уватлардаги тут дарахтларини тагини тарашлаб тозалатаётган бригада бошлиқлари, агроном, фермадаги ишларни тўла механизациялаштириш учун тинмай курашаётган чорвачилик бўйича бригада бошлиғи, зоотехник ва илғор сут соғувчилар ўз Уставларини тузиш, бу тўғридаги кўпдан бери ўйлаб юрган фикрларини ўртага ташлаш учун идорага оширадилар.

Мана, колхоз раисининг кенг ва ёруғ кабинети. Бу ерда звено бошлиқлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдумалик Шерматов, Тилла Тўронов, бригада бошлиқлари Акбарали Султонов, Улмас Норматов, чорвачилик бўйича бригада бошлиғи Танабой Гаффоровлар ҳам ўтириптилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари Турсуной Азимбоева ҳам шу ерда. Улар колхознинг янги, энди бирданига кўп миқдорда ишлаб чиқариладиган ҳосилни қандай қилиб тақсимлаш, ҳарбир кишининг бир меҳрда ишлаши зарурлигига, колхозчиларга ойда бир марта аванс бериб туриш ишни яхши ташкил этишда катта фойда бериши, аёлларнинг колхоз ишлабчиқаришида ҳал қилувчи куч эканликлари, коллектив меҳнат роҳат ва фаровонлик келтириши, чорвачиликни тинмай ривожлантириш кўпчилик бойлигини оширишда қўшимча ва ҳал қилувчи манба' эканлигини алоҳида уқдириб ўтар эдилар.

Колхоз активи йиғилишида колхоз раиси ўртоқ Одил Норматов доклад қилди. Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

Биз қуйида йиғилиш қатнашчиларининг сўзларини қисқартириб босаётирмиз.

ҚОЛХОЗ ҲАЁТИДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР

Колхоз раиси ўртоқ О. НОРМАТОВ докладидан

Колхоз тузумининг тамомила галаба қозонганидан буён кўп йиллар ўтди. Бу давр давомида колхоз ва колхозчилар ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхоз қурилиши масалалари юзасидан чиқарган қарорлари колхозлар ҳаётига доир янги масалаларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилгандир.

Бизнинг ҳозирги колхозимиз бундан чорак аср илгаридагига сира ўхшамайди. Колхоз аъзолари ҳам ўзгардилар. Улар ишлабчиқариш воситалари ҳамда кучларини умумлаштириш йўлига кескин равишда ўтилган йиллардагидан бутунлай бошқача бўлиб қолдилар.

Ҳозирги колхозимиз ўрнида илгари 6 та кичик-кичик колхозлар ташкил этилган бўлиб, улар фақат 100—120 гектар майдонгагина пахта етиштирган эдилар. Колхозлар кучсиз, камдаромад эдилар. Ерни ишлаш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларининг энг кўпи қўл-кучи билан бажарилар эди.

Ҳозир колхозимиз 872 гектар ерга чигит экади, гатта чорвачилик хўжалигига эгамиз. Ишлабчиқариш кенг миқёсда механизациялаштирилган, миллион-миллион сўмлаб даромад олинмоқда. Колхозимиз аъзолари ҳозир жуда яхши хўжалик бинолариға, уй-жойларга, мактаб, клуб, ясли ва бошқаларга эгадирлар. Буларнинг ҳаммаси колхозда меҳнат ва ҳаёт кечириш шароитининг кўп даража ўзгарганлигини ифода этади, ҳозиргача амалда бўлиб келган қишлоқ хўжалик артели Уставидаги кўпгина қоидаларнинг эскирганини эндиги шароитга—колхозлар олдида турган янги вазифаларга мувофиқ бўлмай қолганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини планлаштиришнинг янги тартиби ва колхоз ишларини бошқариш тўғрисидаги берилган мустақиллик хўжаликнинг барча тормоқларини янада ривожлантиришга, биринчи навбатда олтинчи бешйиллик план топшириқларини бажаришга қаратилган бўлиб, шубҳасиз бу тадбирлар колхоз ва колхозчиларнинг ташаббусини янада оширади. Биз эндиликда ғўза ва бошқа экинлар ҳосилини, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун илгаридагига қараганда кўпроқ иш қилишимиз керак. Кам меҳнат ва маблағ сарфлаб маҳсулотни арзонга туширишимиз лозим.

Уставга томорқаларнинг катта-кичиклигини белгилаш тўғрисида ҳам ўзгариш киритилади. Биз бунда бирхиллиликка хотима берамиз. Ким жамоат учун садоқат билан меҳнат қилмаса, унинг томорқа участкаси қирқилади.

Баъзи ўртоқлар, колхозчиларнинг шахсий фойдаланишида бўлган молларнинг эски Уставда белгиланган сонини камайтиришни ҳам таклиф қилмоқдалар. Фикримизча, бунга қўшилиш лозим. Агар шундай ўзгариш қилинса колхозчиларнинг жамоат чорвачилигини ривожлантиришга рағбати ошади.

Биз маҳсулот етиштиришда доим меҳнат унумини оширишга, меҳнатни кам сарфлашга ҳаракат қилмогимиз лозим. Бунинг учун ма'мурий бошқарма аппаратини анча қисқартириш, уни 26 кишига камайтириш таклиф қилинмоқда. Тажриба шуни кўрсатаётирки, хўжалик фаолиятимизга ҳеч бир зарар етказмасдан раисининг чорвачилик бўйича ўринбосарисиз, далачилик бригадаларидаги 12 табельчисиз, 2 поледводсиз ҳам иш олиб бориш мумкин. Чорвачилик фермалари ва бошқа жойлардаги бригада бошлиқлари, табельчилар сонини ҳам камайтирамиз. Шунда 1 йилда 13 минг меҳнат куни тежаб олинади. Колхоз учун уруғлик етиштиришни йўлга қўйиш, минерал ўғитларни билиб сарфлаш натижасида ҳам маҳсулот таннархини бирмунча камайтириш мумкин бўлади. Уруғчиликни ривожлантириш учун элит хўжалигида ишлаётган колхозчиларга давлатга топширилган ва қабул қилинган уруғликдан олинган пулнинг 10 процентигача қўшимча ҳақ бериш анча ма'қул.

Ма'лумки, пул ва натура авансларини тартибли равишда бериб бормаслик колхозчиларнинг жамоат меҳнатига бўлган манфаатдорлигига ёмон таъсир қилади. Бизда бу ишни тартибга солиш ва колхозчиларга ойда бир марта, ҳар ойнинг 5-нчи кунида аванс бериб туриш имконияти бор. Бунинг учун хўжаликнинг барча соҳаларидан олинаётган пул даромадининг 25 процентини, контрактация ҳамда давлатга маҳсулот сотиш юзасидан олинадиган авансларнинг 50 процентини колхозчиларнинг ишлаган меҳнат кунларига аванс қилиб тақсимлаб турамиз.

Колхоз аъзоларининг меҳнат кунларига тақсим қилинадиган даромадни оширишга қурилиш ва иншоотларда, кўпйиллик дарахтлар ўтқазишда иш қилаётган колхозчиларга бўлинмас фондлан ҳақ тўлаш тартиби ҳам катта ёрдам беради.

Бригада, звено, фермаларда колхозчилар меҳнатига пландан ортиқ олинган маҳсулотга тегадиган пул ва донининг 50 процентини миқдорида қўшимча ҳақ бериш тадбири колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили, чорвачилик маҳсулотини оширишга, демак, маҳсулотнинг таннархини камайтиришга ёрдам беради. Биз фақат умумий йиғилиш томонидан белгиланган меҳнат минимумини бажарган колхозчиларгагина қўшимча ҳақ берамиз.

Ҳосилни ошириш ва маҳсулот топшириш планини бажармаган айрим бригада ва звено аъзоларининг меҳнат кунларини қирқиш тартиби ҳам колхоз ишлабчиқаришида катта аҳамиятга эгадир. Лекин бунда қирқиладиган меҳнат кунлари 25 процентдан ошмаслиги керак.

Кексайиб қолган колхозчиларимизнинг нормал ҳаёт кечириши учун ҳам ғамхўрлик қилишимиз зарур. Колхозимизда камида 20 йил астойдил меҳнат қилган, эндиликда кексайиб, 60 ёшга кирган эркакларга ва 55 ёшга кирган аёлларга ойлик пенсия тайин қилишимиз лозим. Бу тадбир колхозчиларимизнинг меҳнатга бўлган муҳаббатини янада оширади.

ҚАРБИР КИШИ БИР МЕ'ЁРДА ИШЛАШИ КЕРАК

7-нчи бригада бошлиғи А. СУЛТОНОВ сўзидан

Ўтган йил колхозчилар йиғилишида ишга яроқли ҳарбир киши учун йиллик меҳнат минимуми 180 та қилиб тасдиқланган эди. Йил охирида қилинган якунга қараганда ҳарбир колхозчи ўртача 323 тадан меҳнат куни ишлаганлиги ма'лум бўлди. Демак, меҳнат минимуми билан унинг бажарилиш ўртасида жуда катта фарқ бўлди.

Колхозимизда ҳалол меҳнат қилаётган кишилар кўп. Улар мавсум бошидан то охиригача жамоат ишига мунтазам равишда қатнашиб, меҳнат минимумини доим ошириб бажарадилар. Р. Ҳасанов, Н. Шокирова, Т. Азизова ва бошқа кўпгина колхозчилар ҳақиқатан ҳам астойдил меҳнат қиладилар. Улар ўтган йил 500—520 тадан меҳнат куни ишладилар. Чўпонлардан Келес Раҳмқулов ва Айтин Эримбетов-ўртоқларнинг ҳарқайсиси бир йилда минглан кўп меҳнат куни туширдилар. Бундай кишилар ҳам жуда кўп.

Броқ, колхозда жамоат меҳнатига ҳалол муносабатда бўлмаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йил 173 киши меҳнат минимумини бажармади. Булардан баъзибирларининг меҳнат минимумини бажаролмаганлигига сабаб бўлса ҳам, лекин 79 киши ўзларининг гражданлик бурчларини бажаришга ёмон муносабатда бўлганликларини ҳеч нарса билан оқлайолмади. Масалан, Солия Умурзоқова бир йилда 17,5, Файзи Дўлабоева 37, Солия Мамажонова 98, Турсуной Мўминова 3 меҳнат куни ишлаган, холос.

Бу колхозчилар кекса ҳам эмас, касал ҳам эмас. Уларнинг ҳаммаси ёш, бақувват хотин-қизлардир. Демак, улар ўз айбларини ҳеч нарса билан хаспўшлайолмайдилар.

Яна бир муҳим масала бор. Менимча эндиликда бу масалага ҳам жиддий эътибор бериш талаб этилади. Одатда бизда меҳнат минимуми белгиланиб, умумий йиғилишда тасдиқланади-ю, лекин йил охиригача ким қандай меҳнат қилаётганлиги суриштирилмайди. Натижада мавсумнинг биринчи ва иккинчи даврида, яъни чигит экиш ва ғўза парваришн пайтларида меҳнат кунлари унча кўп сарфланмайди — кўп колхозчилар ишга чиқмайди. Пахта териш даврн бошланишн, маъзара бутундай ўзгариб кетади. Илгарилари соя-салқинда бемалол ўтирган колхозчилар ана шунда меҳнат минимумини «бажаришга» зўр берабошлайдилар. Бунинг сабаби шуки, биринчидан, терим даврида меҳнат минимумини бажаришни талаб этиб, бир кишини ҳам қўярда-қўймай далага олиб чиқамиз. Иккинчидан эса, пахта териш анча қулай ва фойдалидир.

Броқ, бундан колхоз ютадими? Йўқ. Чунки дастлабки даврларда ишнинг бир меёрда бориши таъмин этилмаган. Агар барча колхозчилар бутун мавсум давомида ҳечбир прогул қилмасдан босим ишга чиқиб турганларида эди, ғўза парвариши ўз вақтида, сифатли ўтказилиб, бунинг натижасида ҳосил кўпаяр эди. Аммо кўпгина колхозчилар бутун мавсумда, айниқса ғўза парвариши даврида кўп прогул қилади, натижада баъзан ғўза парваришидаги муҳим тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмайди.

Биз колхоз Уставини муҳокама қилар эканмиз, меҳнат минимумини белгилаш тартибини ҳам қайта кўриб чиқишимиз керак. Менимча, йиллик меҳнат минимуми эркаклар учун 250, аёллар учун 200 та қилиб белгилансин. Шу билан бирга бу меҳнат кунларини ишлаш мавсумлар бўйича ишнинг вазнига қараб тақсимлансин. Масалан, биринчи даврда, яъни 1 январьдан 15 майгача эркаклар камида 50, аёллар камида 40, иккинчи даврда, яъни 15 майдан 1 сентябрьгача эркаклар 75, аёллар 65 меҳнат куни ишлаб, тўртинчи даврда эса меҳнат минимумининг қолган қисмини бажарсинлар.

ЖИДДИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН МАСАЛА

Звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. ШЕРМАТОВ сўзидан

Томорқа ерлар колхозчилар ҳаёт кечиришнинг асосий манбаи, деб қаралган вақтларнинг ўтиб кетганига анча бўлди. Эндиликда колхоз мустаҳкам хўжаликка айланди. Миллионлаб сўм даромад олаётирмиз. Агар ҳарбир колхозчи жамоат хўжалигида софдилик билан меҳнат қилса, ўз ҳаётини тўла тўкис таъмин этадиган миқдорда пул ва маҳсулот олаолади.

Масалан, Баҳри Нурматовалар оиласи ўз меҳнати натижасидан ҳеч нолимайди. Бу оиладаги ишга яроқли икки киши ўтган йил ўз меҳнатлари бадалига 13 минг 214 сўм пул ва 2,5 тонна дон олди. Бундан ташқари уларга сут, гўшт ва сабзавот ҳам берилди. Шариф Мадраҳимов, Пирман Мирҳўжаев ва бошқалар оиласига ҳам 17—18 минг сўмдан пул ва 3—4 тоннадан дон тегди. Бундай оилалар учун томорқалар ҳақиқатан ҳам арзимаган ёрдамчи хўжалик бўлиб қолди.

Мен томорқа масаласи тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Чунки бу ҳозирги вақтда жиддий эътибор қилиниши лозим бўлган масалага айланиб қолди. Колхозимиз аъзоларининг бу масалага муносабатлари, уларнинг жамоат хўжалигига эътибори қандай эканлигини кўздан кечирайлик. Юқорида ҳалол меҳнат қилаётган колхозчиларни айтиб ўтдим. Энди бошқа баъзибир колхозчиларни ҳам кўрсатмоқчиман. Масалан, Бегимқуд Раимқулов бундан икки йил бурун участка милиционери бўлиб ишлар эди. Раимқулов ишдан бўшади. Биз таклиф қилсак ҳам у, колхозда ишламай, ҳамон бошқа енгил ишни ахтариб юрибди. Лекин, колхознинг 0,13 гектар яхши ериdан фойдаланиб келмоқда. У колхоз раисидан бекиниб юради. Қачон уйига қидириб борсангиз хотини «уйда йўқлар», — дейди. Яна бир мисол, Охун Азизовнинг хотини колхозда астойдил ишлаб келмоқда. Аммо Охун Азизовнинг ўзи эса ёш, бақувват бўлишига қарамасдан бозорда ишпозда сотиб юради. Агарда, унча-мунча бўш вақти бўлса, фақат томорқасидагина ишлайди. Болтабой Файзиев ва унинг хотини Зина Файзиевалар ҳам дангасалик қилиб, колхоз ишидан қочиб юрадилар. Комил Умурзоқов эса доим керилиб юргани-юрган.

Ҳўш, шундай экан, нима учун булар колхозда ҳалол меҳнат қилиб келаётган кишилар билан бир қаторда жамоат хўжалиги имтиёзларидан фойдаланадилар?!

Биз колхозимизнинг тузилажак Уставини муҳокама қилар эканмиз, томорқа ерлари тўғрисидаги моддага жиддий тузатиш киритишимиз зарур. Мен, умумий йиғилишга, ҳарбир колхоз хонадонининг шахсий фойдаланиши учун 0,13 гектардан томорқа бериш тавсия қилинсин, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга колхоз территориясида яшаб турган ва ишга яроқли оила аъзолари колхозда ҳалол меҳнат қилиб келаётган қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўқитувчилар, медицина ходимларига ҳам колхозчилар билан баравар томорқа ер берилсин дейман.

Колхоз аъзоларининг ишга яроқли оилалари меҳнат минимумини бажармаса, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўқитувчилар, МТС тракторчилари ва бошқа ходимлар оиласидаги ишга яроқли кишилар жамоат меҳнатидан бош тортсалар, уларга бериладиган томорқаларнинг ярми қирқилиши лозим. Колхоз территориясида яшаб туриб, лекин унинг ишларига қатнашмаган шахсларга томорқа берилмаслиги керак.

Бу масаланинг ўртага қўйилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ишда анча силжиш бўлаётир. Колхоз ишидан қочиб юрган кўпгина кишилар энди эркаликни бозор кўтараолмаслигини тушуниб олдилар. Уларнинг айримлари колхозга бўлган муносабатларини ўзгартириб, жамоат ишига киришаётирлар. Турсунали Қўчқоров, Абдулахат Маҳмудов, Ангор Омонов, Иса Мамараимов ва бошқа ўртоқлар далачилик бригадаларига ёзилиб ишни бошлаб юбордилар. Ҳозиргача 50 киши яна колхозга қайтиб келди.

Броқ, баъзибировлар илгаригидек ўз шахсий манфаатини кўзлаб жамоат хўжалигидан четлашишга ўрунар эканлар, улар билан қат'ий ҳисоб-китоб қилиш зарур. Агар колхоз ана шундай «хўрандалардан» ҳалос бўлса жамоат хўжалиги бундан зарар кўрмайди.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ТИНМАЙ РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

Чорвачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Т. ҒАФФОРОВ сўзидан

Колхоз ҳозирги кунда амал қилиб келаётган Уставидаги «ер тўғрисида» деган бўлимнинг 3-нчи моддасида:

«Агарда етарли миқдорда ер бўлиб, зарурият туғилса, йирик чорва фермалари бўлган колхозларда, фермаларнинг молига ем-хашак бўладиган экинлар экиш учун муайян ерлар ажратилиб, бу ерлар фермаларга боғлаб қўйилиши мумкин», — дейилган.

Бундай формулировка колхозларнинг дастлабки даврлардаги умумий ҳолатини ифода этади. Лекин бу қонда ҳозир эскирди ва бизнинг колхозимиз учун тўғри келмайди. Колхозимизнинг катта чорвачилик хўжалиги бор, бу тармоқ бундан кейин янада ривожлантирилади. Шунинг учун мен Уставнинг юқорида айтилган пунктини қуйидагича қилиб ёзиш талабга жавоб берар эди, деб ўйлайман.

Колхознинг чорвачилик фермасига колхоз чорвачилигини ривожлантириш перспектив планида белгиланган сондаги молларни боқишни таъмин этадиган миқдорда ширали ем-хашак етиштириш учун етарли ер биркитилсин.

Уставнинг IV бўлим «е» моддасини ҳам ўзгартириш зарур. Бизда яйловлар йўқлигини эътиборга олиб, колхозчилар меҳнат кунига албатта ем-хашак берилиши кўзда тутилсин. Шунинг учун бу моддани қуйидагича ёзиш керак:

Жамоат ишлабчиқаришида ҳалол меҳнат қилаётган колхоз аъзолари ишлаган меҳнат кунларига уларнинг шахсий фойдаланишида бўлган молларини боқиш учун ем-хашак (пичан, силос ва бошқалар) берилсин.

Колхоз хўжалигининг мустаҳкамланиши, колхозчиларнинг меҳнат кунларига бериладиган даромаднинг ошиши аъзоларнинг шахсий фойдаланишида бўлган молларнинг сонини камайтириш учун шароит туғдирди. Эндиликда колхозчи хонадонида битта сигир ва бузоқ, иккита совлиқ, битта она чўчқа ва 10 ишлик асалари бўлса, кифоя қилар.

Мавжуд норма бўйича айрим колхозчиларнинг қўлидаги моллар шунчалик кўпки, улар оиласидаги ишга яроқли кишиларнинг кўп вақтини олиб қўймоқда. Бунга колхозчи Нормат Шерматовнинг хўжалиги мисол бўлаолади. Шунинг учун биз буни нормал ҳол деб айтаолмаймиз, буни ўзгартириш керак.

АЁЛЛАР — КОЛХОЗИМИЗНИНГ ФАХРИ

Партия ташкилотининг секретари Т. АЗИМБОЕВА сўзидан

Актив йиғилишининг кўпгина қатнашчилари меҳнат минимуми тўғрисида ҳар хил фикрларни айтдилар. Улар колхозда меҳнат минимумини белгилашда эркаклар учун бир хил шарт, аёллар учун иккинчи хил шарт қўйишни тавсия қилмоқдалар. Мен бунга қўшилмайман. Колхозда шундай аёллар борки, уларнинг ҳарбири икки эркакнинг ишини қилади. Хўш, шундай аёлларга колхоз ишига мутлақо қатнашмайдилар. 3—4 боласи бўлган Орзихон Бобоева, Сотқиной Эгамназарова сингари оналар эса бир йилда 420—450 тадан ортиқ меҳнат куни ишлаганлар, яъни улар колхозда ҳарбир кишига тушган меҳнат кунидан кўпроқ меҳнат куни топганлар. Бу шуни кўрсатадики, агар ким колхоз ишига ўз ишим деб қараса, у кўпчилик қатори жон қуйдириб ишласа, ҳам ўзининг хўжалиги бойийди, шу билан бирга колхоз хўжалигининг бойишига катта ёрдам берган бўлади.

Орзихон Бобоева, Сотқиной Эгамназарова ўртоқлар ўтган йилги меҳнат кунлари учун колхоздан 4,5—5 минг сўмдан пул, 1—1,5 тоннадан галла олдилар. Ишга чиқмаган Меҳри Нишонбоева, Қундузхон Турдиқулова каби аёллар колхоз ишига мутлақо қатнашмайдилар. 3—4 боласи бўлган Орзихон Бобоева, Сотқиной Эгамназарова сингари оналар эса бир йилда 420—450 тадан ортиқ меҳнат куни ишлаганлар, яъни улар колхозда ҳарбир кишига тушган меҳнат кунидан кўпроқ меҳнат куни топганлар. Бу шуни кўрсатадики, агар ким колхоз ишига ўз ишим деб қараса, у кўпчилик қатори жон қуйдириб ишласа, ҳам ўзининг хўжалиги бойийди, шу билан бирга колхоз хўжалигининг бойишига катта ёрдам берган бўлади.

Турдиқуловалар эса уйларида эрларининг қўлига қараб ўтирабердилар.

Бизнинг колхозда болали аёлларнинг унумли ишлаши учун барча шароит бор. 300 ўринли иккита марказий ясли, бирқанча кўчма яслилар, болалар боқчаси ишлаб турибди. Энди оналаримиз колхозимиздаги тугруқхонада кўз ёрадилар. Шунинг учун ҳарбир аёл коллектив ишида актив қатнашиши, колхозимиз экономикасини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши учун астойдил курашиши керак.

Биз энди ҳамма шароитга эга бўлган ҳолда, колхоз ишига қатнашмаётган айрим кишилар билан келишаолмаймиз. Улар колхознинг умумий бойлигидан бошқалар қатори фойдаланаётган эканлар, марҳамат қилиб, ана шу бойликни кўпайтиришда актив қатнашсинлар.

МЕҲНАТ ТАГИ РОҲАТ

Боғдорчилик бригадасининг бошлиғи Улмасота НОРМАТОВ сўзидан

Партия ва ҳукуматимиз кексалар ҳақида айниқса ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган XX с'ездда ҳам ана шу ғамхўрлик янада кучайтирилсин, деб айтилди. Биз кексалар партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигидан чексиз миннатдормиз.

Мана бугун, колхозимизнинг бўлажак янги Уставини муҳокама қилаётган эканмиз, бу ерда сўзга чиққан бирқанча ёшларимиз колхоз ишига меҳнати сингган кексаларимизга пенсия бериладиган бўлсин, деб айтдилар. Мен ана шу сўзларни эшитганимда, коллектив хўжалик қандай меҳрибон эканлигини бутун вужудим билан сездим. Мен ҳозир 61 ёшга кирдим. 1930 йилда—колхоз эндигина тета-поя қадам қўйганда, мен ана шу ёш хўжаликни тиклаш ва мустаҳкамлашда қатнашабошлаган эдим. Орадан 20 йилдан ортиқ вақт ўтди. Энди бу колхоз йирик ва мустаҳкам хўжаликка айланди. Колхозни шу зайлага келтиришгача Жумонота, Бағишота, Эрматбува, Мўминжонота, Қодирота, Холбўшона, Умарқулота ва шуларга ўхшаш бирқанча кишиларимиз ўзларининг ёшлик қувватларини сарфладилар, кунни тунга, тунни кунга улаб ишладилар. Ҳарқандай қийинчиликларни енгдилар, пахта етиштириш учун, чорва молларининг биттасини ҳам нобуд қилмаслик учун, тут ва бошқа мевали дарахтларни кўпайтириш учун кучларини ҳеч аямадилар.

Мана ҳозир улар кексайиб қолдилар. Колхоз аъзолари ҳизмат қилиб, оталар, оналар кексайганда уларга ўзларининг фарзандлик қўлларини чўзмоқдалар. Энди сизлар фароғатда, бизнинг давлатимизда тинч ва осойишта яшанглар, демоқдалар. Раҳмат, сизларга!

Мен ва менга ўхшаш бирқанча кексалар колхоз боғидан, пахтазоридан, фермасидан ҳали ҳам кетгимиз келмайди. Биз кучимиз етгунча ўғил ва қизларимизга ёрдам берсак, дейимиз.

Сизлар биз кексалар тўғрисида ана шундай ғамхўрлик қилибсизлар, яъни колхозда 20 йил ишлаб 60 ёшга кирган эркаклар ва 55 ёшга кирган аёллар учун ҳар ойда 15 тадан меҳнат куни ёзилиб туришини таклиф қилган экансизлар, биз бундан умрбод миннатдор бўламиз. Ҳозир колхозда астойдил ишлаётган ёшларимиз ҳам энди ўз колхозларидан бирорёққа боришни ўйламайдилар. Улар қариганда кўпчилик меҳрибонлик қилишини, қўллаб-қувватлашини биладилар.

Мен колхознинг янги Уставига кексаларга пенсия белгилаш тўғрисидаги модда киритилишини чин қалбимдан табриклайман.

Шуни айтадилар-да, «меҳнат таги роҳат», деб!

* * *

Актив йиғилиши тугаган бўлса ҳам, кишилар дарров тарқаб кетақолмади. Улар бугун ўзлари киритган таклифлар, мулоҳазалар тўғрисидаги суҳбатларини анча вақтгача давом этдирдилар.

—Ўзимиз қабул қилган Уставнинг ҳарбир моддасини оғишмай бажарсакгина хўжалигимиз янада юксалади.

—Колхоз ерида ўтириб дала бетини кўрмайдиган, колхоз сувини ичиб, ўзининг роҳатини кўзлаб юручилар энди бир ўйлаб кўришлари керак.

— Колхоз мулкига кўпчилик хўжайин. Кўпчилик меҳнати туфайли жамланган пулнинг бир тийинини ҳам, галланинг бир граммини ҳам талон-торож қилинишига йўл қўймаймиз.

— Бизнинг бойлигимиз томорқадан эмас, колхоз ердан келади. Кучимизни ҳам, билимимизни ҳам аямай колхоз даласида—ўз даламизда астойдил меҳнат қиламиз:

—Колхоз чорваси ривожланса, унинг маҳсулдорлиги ошса, демак, бизнинг бойлигимиз кўпаяди, хўжалигимиз янада тўқ бўлади.

—Ҳарбир киши ҳам белгиланган меҳнат минимумини бажарибгина қолмай, ундан ошириб юбориши керак.

—МТС бизга трактор, «универсал»ларни юборган экан, уларни беҳудага юргизиб, МТСга чиқимдор бўлабермайлик, трактор ҳайдаган ер чуқур ва сифатли бўлсин, «универсал» ўтган қатор тупроғи чуқур ва майин бўлсин.

—Бизда оддий колхозчилар учун бирхил, раҳбарлар учун иккинчи хил тартиб — қонда бўлмаслиги керак. Колхоз раҳбарларининг оила аъзолари ҳам кўпчилик қатори колхоз ишида актив қатнашишлари, умум бойлигини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашишлари зарур.

—Эркак ва аёл кексалар ёшлик вақтларида, билакларида қувват бор вақтида колхозимизни мустаҳкамлаш учун, ҳосилни ошириш учун астойдил меҳнат қилган эканлар, энди улар қариган чоғда уларга биз фарзандлик ёрдамини кўрсатишимиз лозим.

—Болали аёллар учун ҳам, уларнинг болалари учун ҳам биз тинмай ғамхўрлик қилайлик.

Колхоз активи йиғилиши қатнашчилари мана шу фикрларни ўртага ташлар эканлар, уларни амалга ошириш зарур ва шунинг учун ҳам янги Уставимизга тўла амал қиламиз,—дер эдилар.

Колхоз активлари йиғилишида муҳокамага қўйилган таклифларни ҳисобга олиб, колхознинг янги Уставини тайёрлаш вазифасини колхоз правлениесига топширдилар. Шундан кейин Уставнинг янги проекти колхозчиларнинг умумий йиғилишида кенг муҳокама қилинади ва тасдиқланади.



Суратда: правление аъзолари ва колхоз активлари янги Устав проектини муҳокама қилмоқдалар.
А. Аверьянов фотоси.

А. И. Микояннинг Ҳиндистонда бўлиши

ДЕҲЛИ, 29 март. (ТАСС). Кеча Ҳиндистон ҳукумати парламент ишлари министри Сатья Нарайан Синха СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микояннинг Деҳлида бўлиши муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ҳиндистон бош министри Неру, Ҳиндистон ҳукуматининг а'золари, парламент депутатлари, жамоат арбоблари, маҳаллий ва четэл матбуоти вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида совет томонидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков ва Деҳлидаги совет элчихонасининг мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар.

* * *

КАЛЬКУТТА, 29 март. (ТАСС). Бугун СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари, шунингдек СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков Калькуттага келдилар.

Дум-дум аэродромида уларни Ғарбий Бенгалия штати юстиция министри С. К. Басу ва штат ҳукуматининг бошқа вакиллари, консульлик корпусининг а'золари, Калькуттаги совет муассасаларининг ходимлари, маҳаллий арман жамоасининг вакиллари кутиб олдилар.

А. И. Микоян аэродромда тўпланган матбуот вакилларининг саволларига жавоб қайтариб, Ҳиндистонга қилган сафарим ғоят муваффақиятли бўлди, деди.

Совет меҳмонлари аэродромдан шаҳаргача борган йўлда аҳоли уларни самимий табриклади.

* * *

КАЛЬКУТТА, 30 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Ш. Р. Рашидов меҳмондўст Ҳиндистон пойтахтидан кеча жўнаб кетдилар.

«Ил—14» совет самолёти Палам аэродромидан парвоз қилиб, Шарқи-жануб томонга қараб йўл олди. Бир соат учгандан кейин самолёт Агра шаҳридаги аэродромга келиб қўнди. Ҳиндистон тарихидаги кўпгина муҳим воқеалар бу шаҳар билан боғлиқдир. Буерда совет меҳмонлари ҳинд ме'морчилигининг ажойиб ижоди бўлган Тож-Маҳал мавзолейини ва илгари мўғул императорларининг саройи бўлиб хизмат қилган фортни тамоша қиладилар.

Совет меҳмонлари Аграда қисқа вақт бўлганларидан кейин Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳри ва мамлакатнинг энг муҳим саноат ҳамда савдо маркази бўлган Калькуттага учиб кетадилар.

Аэродромдан А. И. Микоян, Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари ҳукумат саройи Раж Бхаванга жўнайдилар. Ўлар шаҳарнинг қуёш нур сочиб турган кўчалари бўйлаб ўтадилар, ҳамма жойда Калькутта аҳолиси совет меҳмонларини самимий табрикламоқда.

Раж Бхаванга келгандан кейин А. И. Микоян Ғарбий Бенгалия штатининг бош министри Б. Ч. Рой билан суҳбат қилди.

Сўнгра совет меҳмонлари шаҳар билан танишдилар. Улар Ҳиндистонда энг йирик музейлардан бири бўлган миллий музейни бориб кўрдилар. Бу музейда ҳинд рассомларининг ва халқ усталарининг ажойиб асарлари тўпланган.

А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов музейни кўрганларидан кейин миллий кутубхонага борадилар. Илгари буерда инглиз вице-короли турар эди, ҳозир эса ҳинд маданиятининг муҳим марказидир. Кутубхонада 800 минг китоб ва қўлёзма сақланмоқда. Кутубхона узлуксиз кенгайиб бормоқда. Кутубхона директори Кесаван меҳмонларга ўқиш залини, китоблар ва қўлёзмалар сақланадиган биноларни кўрсатади. А. И. Микоян баъзи китобхонлар билан суҳбат қилди, уларнинг қандай китобларни ўқиётганликлари, қандай масалалар билан шуғулланаётганликлари билан қизиқди. У кутубхонадан кетиши олдидан фахрий китобхонлар дафтарига ўз таассуротини ёзди.

Сўнгра совет меҳмонлари тушган машина Калькуттанинг Хоура районига жўнайди. Буерда жуда кўп корхоналар ва Шарқи-Жанубий Осиёда энг йирик ботаника боғи жойлашган. А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов гербарийларни, ботаника боғи қошидаги илмий кутубхонани тамоша қиладилар, боғни машинада айланиб чиқадилар.

Ғарбий Бенгалия штати ҳукумати А. И. Микояннинг Калькуттада бўлиши муносабати билан қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида А. И. Микоян, Ш. Р. Рашидов уларнинг ҳамроҳлари, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков ҳозир бўлдилар. Шунингдек Ғарбий Бенгалия штатининг губернатори Мукержи, штат ҳукуматининг а'золари, қонун чиқариш мажлисининг депутатлари, сиёсий ташкилотларнинг ва савдо-саноат доираларининг вакиллари, консульлик корпусининг а'золари ва бошқа шахслар ҳам ҳозир бўлдилар.

А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов Ҳиндистондан Бирмага жўнаб кетди

ДЕҲЛИ, 30 март (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари бугун эрталаб Калькуттадан Бирма пойтахти Рангунга учиб кетдилар.

Калькуттадаги Дум-Дум аэродромида А. И. Микоянни ва Ш. Р. Рашидовни Ғарбий Бенгалия штати ҳукуматининг юстиция министри С. К. Басу ва бошқа расмий шахслар, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков, Калькуттадаги совет муассасаларининг мас'ул ходимлари ва матбуот вакиллари кузатиб қолдилар.

Совет энергетиклари делегациясининг Буюк Британияда бўлиши

ЛОНДОН, 29 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва СССР Электростанциялар министри Г. М. Маленков кеча тушдан кейин лейбористлар партиясининг парламентдаги ёқилғи ва энергетика масалалари билан шуғулланучи комитетида СССРни электрлаштириш тўғрисида доклад қилди. Г. М. Маленков 1955 йилда СССРда 170 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилганлигини айтиб, шу билан Совет Иттифоқи иқтисодий жиҳатдан ривож топган ҳамма мамлакатлардан, Америка Қўшма Штатлари бундан мустасно, анча ўтиб кетганлигини уқтириб ўтди.

Сўнгра Г. М. Маленков СССРни электрлаштиришни янада ривожлантириш планларига тўхталди. У совет Иттифоқининг электр қуввати ишлаб чиқариш мақсадлари учун атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги планларига ҳам тўхталди. Атом ядросини парчалаш соҳасида СССРда шунингдек ва бошқа мамлакатларда қилинган илмий кашфиётлар, деди Г. М. Маленков, атом энергиясидан электр қуввати ишлаб чиқариш учун фойдаланиш вазифасини амалда ҳал қилиш имкониятини берди.

Маленков 1960 йилгача Совет Иттифоқида жам'и 2,5 миллион киловаттга қувватга эга бўлган бирнеча атом электростанцияси қуриб битказилажагини айтиб, совет инженерлари 400—800 минг киловатт қувватга эга бўлган атом электростанцияларини қуриш бемалол мумкин деб ҳисоблаганлигини қайд қилиб ўтди. Совет олимлари, деди сўнгра Г. М. Маленков, атом энергиясидан тинч мақсадларда кенг фойдаланиш соҳасида инсоният учун жуда муҳим бўлган проблемаларни ҳал этишда бутун дунёё олимлари билан, шу жумладан Буюк Британия олимлари билан яқин ҳамкорлик қилиб ишлашни истайдилар. Биз Буюк Британия олимларининг илмий ва техника соҳасидаги ютуқларини юксак баҳолаймоқдамиз. Шуни айтиш мумкинки, энергетикани ривожлантириш соҳасида инглиз ва совет олимлари ва инженерларини қизиқтираётган кўпгина умумий масалалар бор. Инглиз энергетиклари ҳам, совет энергетиклари ҳам бой тажрибага эгадирларки, ана шу тажриба билан алмашиб туриш шубҳасиз ҳар иккала мамлакатга фойда келтиради.

Бош Англияга келиш ва мамлакатнинг энергетика хўжалиги билан танишиш ҳақидаги таклифни зўр миннуният билан қабул қилдик. Делегациямизнинг ҳамма а'золари якдиллик билан бидирган фикрни ифода қилиб шуни та'кидлаб ўтиш керакки, меҳмондўст мамлакатингиз бўйлаб қилинган сафар ва англияли шерикларимиз билан бўлган алоқа жуда самарали бўлди. Инглиз халқларини шодлиги, Англия жамоатчилигининг э'тибори, сафаримизни ташкил қилучиларнинг ғамхўрлиги делегациямизни жуда қувонтирди.

Биз инглиз энергетикларини Совет Иттифоқида зўр самимият билан кутиб оламиз ва уларни қизиқтирган ҳамма нарсани уларга кўрсатамиз.

Давлат арбоблари, савдо-саноат доиралари вакиллари ва оддий кишилар ўртасидаги шахсий алоқалар сиёсий горизонтларни равшанлантирмоқда, гумонсирашлик туманини тарқатиб юбормоқда, нотўғри тушунчаларни йўқотмоқда.

Совет кишилари, деди ўз сўзининг охирида Г. М. Маленков, ҳамиша фақат бир нарсани истаб келдиларки, у ҳам бўлса — халқлар ўртасидаги тинчликдир. Совет кишилари келгусида ҳам ана шундай тинчлик бўлишини истайдилар.

Г. М. Маленков доклад қилиб бўлганидан кейин, ҳозир бўлган парламент а'золарининг жуда кўп саволларига жавоб берди.

Бугун кундуз куни Г. М. Маленков Буюк Британия марказий энергетика бошқармасининг раиси лорд Ситрин билан учрашди.

Халқ палатасида Неру нутқи

ДЕҲЛИ, 29 март. (ТАСС). Деҳли радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Ҳиндистон бош министри Неру ташқи ишлар министрлигининг бюджети юзасидан бўлган музокараларда нутқ сўзлаб, Бағдод пактини ва СЕАТОни қоралади, бу пактларнинг мақсади Ҳиндистонни ўраб олишдан иборат, деди. Бағдод пакти, деди Неру, аслда Осиёда кескинликни ва конфликтлар атмосферасини кучайтирди. Бағдод пакти бир мамлакатни иккинчи мамлакатга қарши отлантирди. Покистон ҳукумати бу пактга шундай баҳона билан қўшилдики, у гўё Совет Иттифоқи томонидан бевосита ёки узоқдан агрессия бўлиши хавфидан ташвишланаётган эмиш. Неру айтдики, бу асло бундай эмас. Покистон газеталарини ўқиган ва Покистондаги мас'ул шахсларнинг баёнотларини кузатиб борган киши шундай хулосага келдики, Покистон Бағдод пактига Ҳиндистон билан зўравонлик позициясидан туриб гаплашиш учун қўшилди.

Бу пактлар, деди ўз сўзини давом эттириб Неру, дун'ёни нотўғри йўлга туширди: халқаро майдонда пайдо бўлган янги фактларнинг имтиёзларидан фойдаланилмаётир, бу фактлар қуролсизланиш ва тинчликни та'минлаш проблемаларини ҳал этишга ёрдам бериши мумкин эди.

Ҳиндистоннинг сиёсати, деди Неру, ер юзида дўстлик зонасини кенгайтиришга ва конфликтлар зонасини камайтиришга қаратилгандир.

ШВЕЦИЯ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг таклифига мувофиқ, 29 мартда Швеция журналистлари делегацияси Москвага келди.

«Карлстадс-тиднинген» газетасининг бош редактори М. Столь бошчилигидаги делегация составида «Эстгетен» газетасининг бош редактори К. Х. Юхансон, «Бурос тиднинг» газетасининг бош редактори Т. Веренстам, «Ходиксволсе тиднинг» газетасининг бош редактори У. Трулин, «Стокгольмс-тидниген» газетасининг бош редактори К. Крейгер, «Смоланде-постен» газетасининг бош редактори Г. Франзен, «Моргон-тидниген» газетасининг редактори А. Меллер ва «Дагенс-нюхетер» газетасининг ходими Г. Арвидсон бор.

Ленинград вокзалида меҳмонларни СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири ва коллегия а'зоси Л. Ф. Ильичев, Чет эллар билан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг правлениесининг а'зоси В. В. Женихов, СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг Чет эллар билан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг мас'ул ходимлари, марказий газеталарнинг вакиллари кутиб олдилар.

Делегацияни Швеция бош министри ҳузуридаги швед матбуоти махсус вакили С. Фрюкиус ҳам кутиб олди. (ТАСС).

БУТУН ДУН'ЁДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

БАНГКОК, 29 март (ТАСС). Бугун буерда статистиклар конференцияси ўз ишини бошлади. Конференция 1960 йилда бутун дун'ёда аҳолини рўйхатга олишни планлаштириш, ташкил қилиш ва уни ўтказиш масалаларини муҳокама қилади. Конференция БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ учун тузилган Иқтисодий комиссияси секретариатининг ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти статистика бюросининг ташаббуси билан чақирилди. Конференциянинг ишида 14 мамлакатдан ва шу жумладан Совет Иттифоқидан 40 дан ортиқ вакил қатнашмоқда.

СОТУЧИСИЗ САВДО



Харидор ўнг томондаги эшикдан кириб келаркан, рўпарадаги столда турган корзинкалардан биттасини олади-да, турли маҳсулотлар қўйилган полкаларга яқинлашади. У ўзига керакли озиқ-овқат молларини олиб корзинкага солади ва магазиннинг чиқаверишида турган контролёрга пулини тўлайди. Корзинкани бўшатиб яна ўз жойига қўйгач, чап томондаги эшикдан чиқиб кетаверади.

Тошкентнинг «Правда Востока» кўчасида янги очилган бу «Сотучисиз магазин» шаҳар аҳолиси э'тиборини ўзига жалб қилмоқда. Унинг деворидаги «Товарларни ўзингиз олинг» ёзувлари яққол кўзга ташланиб туради. Магазин гўшт ва балиқ маҳсулотларидан тайёрланган турли хил консервалар, ун маҳсулотлари, гуруч, қанд, ҳархил чой, бодринг, помидор, узум каби сабзавот ва хўлмева консервалари, турли кондитер моллари билан савдо қилмоқда.

Тошкент шаҳрида «Сотучисиз магазин»нинг очилиши қувончли воқеадир.

Суратда: «Сотучисиз магазин» залида.

В. Салов фотоси.

САН'АТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Пианист Юрий Муравлев концертлари

Тошкент шаҳрига гастрольга келган музикант-ижрочилар Бутуниттифоқ конкурсининг ва Варшавада бўлиб ўтган Фредрих Шопен номидаги пианистлар IV Халқаро конкурсининг лауреати Юрий Муравлевнинг концертлари пойтахт жамоатчилиги ўртасида зўр қизиқиш уйғотди.

Юрий Муравлев Москвали машҳур пианист Г. Г. Нейгаузнинг шогирди бўлиб, у ўзининг ижрочилик фаолияти билан совет тингловчилари ўртасида катта э'тибор қозонди. Шу билан бирга, у Совет Иттифоқида Григнинг фортепиано концертини энг яхши ижро этучилардан бири сифатида танилди.

Ўзбек давлат филармониясининг концерт залида ва Тошкент давлат консерваториясида ана шу ёш музикантнинг концерти бўлиб ўтди. Концертда пианист Моцарт, Григ, Бетховин, Шопен, Скрябин, Прокофьев каби композиторларнинг асарларини ижро этди. У Моцарт асарлари устида ишлашга алоҳида э'тибор беради.

Яқинда Тошкент давлат консерваториясида студент ва ўқучиларнинг пианист Юрий Муравлев билан учрашуви бўлди. Муравлев консерваториянинг студент ва ўқучиларига пианистларнинг Варшавада бўлиб ўтган халқаро конкурсида олган ўз таассуротларини, Москванинг музика ҳаётидаги ўрни воқиалар ҳамда совет композиторларининг янги асарлари ҳақида сўзлаб берди.

А. КИСЛЯКОВ.

Ростовли сан'аткорларнинг концертлари

Пойтахт меҳнаткашлари Ростов Давлат филармониясининг гастроль концертларини зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

Ростовли сан'аткор меҳмонлар кўрсатаётган концерт программалари шу кунниг энг муҳим темалари асосида тузилган. Филармония коллективи бешйиллик ижодий фаолияти даврида ўз репертуарига актуал темалардаги сатирик, юмористик интермедия сингари номерларни киритиш имкониятига муяссар бўлган.

Яқинда ростовли сан'аткорлар томонидан Тошкент Округ офицерлар уйи концерт залида берилган биринчи концерт ғоят қизиқарли ўтди. Концерт Елена Южанина билан Яков Коноваловлар ижро этган «Дондан салом!» деб аталучи интермедия билан бошланади. Концертда филармониянинг талантли артисти Михаил Танел ижро этган сатирик ва юмористик номерлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, ба'зи корхоналарда озиқ-овқат исте'мол молларининг сифатсиз тайёрланаётганлигини танқид қилучи «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати тўғрисида» деган сатирик номер жуда та'сирли чиқкан. Бунда артист ва режиссёрнинг хизматлари катта.

Клава ролини ўйнаган артист Н. Подгорная ўз севгисига содиқ қолган, қийинчиликларни сабот билан енгаолган, Румянцевнинг гуноҳсизлигига ишонган, софдил қизнинг ма'навий дун'ёсини очиб бераолган.

Фильм авторлари бир гуруҳ шоферларнинг эсда қоладиган портретларини яратиб бераолганлар. Булар орасида етим болани асраб олган, ҳақиқий дўст, тортинчоқ, лекин принципиал Евдокимов (артист Г. Юхтин), очиққўнгил, ноҳақликка қарши курашучи Лемехов (артист В. Лепко), зарур пайтда дўстига ёрдам қўлини чўзаолмайдиган, мешчанка хотинининг сўзига кириб, анкетамга доғ тушмасин деб, кўрган нарсасини терговчига айтиб беришга жур'ат қилаолмайдиган, бунинг учун шофер дўстлари орасидан шармандаларча қувилган Снегирев (артист Е. Леонов) ўзларининг индивидуал хусусиятлари билан ажралиб турадилар.

Шмигло, Корольков образлари ҳам диққатга сазовор. Артист В. Чекмарев ижросидаги Шмигло ўзининг қоронғи ўтмиши, ўргимчакдек туҳмат ва ифво тўқиши, аноним хат ёзиши, полковник олдида ўзини гўлликка солиши билан тамошабинларнинг нафратини қўзғатади. Артист Н. Крючков эса ичкиликка муккасидан кетган, ҳотини, боласига зулм ўтказадиган, жиноятчиларнинг бойруғини бажариб юрадиган туҳматчи Корольковнинг жирканч қилмишларини ва қиёфасини очиб берган.

Операторлар М. Магид ва Л. Сокольский фильм воқиаларига мос манзараларни, шаҳар пейзажларини суратга олганлар.

Лекин фильмда капитан Самохин, жиноятчи Прус образлари тўла очилмаган. Фильм музикаси камбағал, айрим ўринларга асарнинг умумий мазмунига сингиб кетмаган эпизодлар кириб қолган. Бу камчиликлар фильмнинг умумий муваффақиятини, унинг катта бадиий кучи ва тарбиявий аҳамиятини пасайтирмайди.

М. ЯҲ'ЕЕВ.

КИНО

„Румянцевнинг иши“

«Ленфильм» киностудияси тамошабинларни яна бир реалистик ва актуал бадиий фильм «Румянцевнинг иши» асари билан мамнун қилди. Унда тасвирланган воқиа, иштирок этучи кишилар, ижобий ва салбий қаҳрамонлар реалистик кадрларда тасвирланганлиги сабабли фильм тамошабинда кучли таассурот қолдиради, уни ҳаяжонлантиради, чуқур мулоҳазаларга олиб келади, ижобий қаҳрамонлар билан бирга изтироб чекишга, газабланишга, севинишга мажбур қилади.



Куз пайти. Ёмғир ёғиб турибди. Катта серқатнов йўлда кетаётган Румянцев коптоги кетидан кўча ўртасига тушган қизчани кўриб, бирдан тормоз бериб машинани тўхтатишга мажбур бўлади. Аммо катта тезлик билан кетаётган машина бурилиб деворга зарб билан урилади, кабинка ичида ҳозиргина у билан суҳбатлашиб келаётган қиз оғир ярадор, ўзи эса енгил ярадор бўлади. Қизни касалхонага олиб кетишади. Бир-бирларини ёқтириб қолган бу икки ёш ўртасида муҳаббат туғилади, бу муҳаббат секин-аста, воқиалар давомида кучайиб боради. Қизни шикастлантирган Александр Румянцев у даволанаётган касалхонага боради, унинг фамилиясини, исмини, қаерда туришлигини аниқлайди. Кейин тез-тез унинг олдига гул, совға-саломлар билан бориб кўриб туради. Александрнинг ўртоқлари ўзаро пул йиғиб, унинг уйини тартибга келтираётган, Клава соғайиб касалхонадан чиқиш олдида турган бир пайтда Румянцев бошига фалокат тушади.

Автобаза бошлиғи Корольков унга наряд ёзиб бир жойдан юк олиб келиш ҳақида топшириқ беради. Юкни олиб кедаётган Румянцев йўлда тўхтайди. Шу ерда пайдо бўлган Шмигло машина баллонларини яширинча ишдан чиқаради. Румянцев машинани ремонт қилишга киришади. Аммо юк эгалари бошқа машинани келтириб уни олиб кетадилар.

Муттаҳам ва савдогарлар шайкаси ўғирлаган юкни «сув» қилиб юборадилар. Лекин бегуноҳ шофер Румянцев қўлга тушади. Мана терговчи капитан Самохин (артист П. Лобанов) дўқ, пичинг, мазах билан Румянцевни сўроқ қилаётир. Самохин ҳарқандай одам ҳам жиноятчи бўлаолади деган формула билан иш кўрадиган, одамларга дағал муносабатда бўладиган, чиновникларча иш юритадиган расмиятчилик Афанасьев (артист С. Лукьянов) бу ишга капитан Самохин каби расмиятчилик, тўрачилик билан эмас, балки ҳақиқий коммунистларга хос давлат ва халқ манфаати нуқтаи назаридан қарайди. Афанасьев Самохинга бундай дейди:

— Ўртоқ Дзержинскийнинг биографиясини билмайсиз. У ҳарбир кишига душман ёки муттаҳам деб қарайдиган одамларга шафқатсизлик билан муомала қиларди. Мана биз ҳам бу ерда ишлар эканмиз, ҳарбир совет кишисига катта ҳурмат билан қараширамиз керак...

Тамошабинларнинг севимли артисти С. Лукьянов яратган полковник Афанасьев ана шу олижаноб ва гуманистик принцип асосида иш кўрадиган, жиноятчини излаб топаоладиган, унинг айбларини рад этаолмайдиган қилиб бўйнига қўябиладиган, айбсиз кишиларга меҳр билан қарайдиган киши. Афанасьев илгари ҳам жиноий иш қилиб, бирнеча марта қўлга тушган Шмигло изига тушади. Унинг уйига киради, у билан суҳбатлашади. Аммо Шмигло: «барибир мени қамайолмайсиз, чунки гуноҳимни тасдиқлайдиган асос йўқ», — дейди керилиб. Афанасьев унинг уйида тинтув ўтказади, ҳечнарса топаолмайди. Лекин кетиш олдидан ўз пальтосини кияр экан, Шмигонинг пальтосига кўзи тушади, унинг чўнтагига қўл суқиб, чўнтак тешилганлигини аниқлайди-да, «буни тешган нарса, жиноятни тасдиқлашга асос бўлади», — деганда Шмигло талвасага тушиб, жиноятчиларга шерик эканлигини тан олади, раҳм қилинг деб илтимос қилади. Энди жиноятчиларнинг яна бири — Корольков терговчи Афанасьев ҳузурига кириб келади-да, Румянцев ҳақидаги туҳматдан иборат аноним хатни полковникка узатади. Афанасьев — Лукьянов хатни диққат билан кузатиб, ўрганиб чиққач, бу туҳматнома Корольковнинг иши эканлигини, чунки бу хат билан Румянцев юки учун берилган наряд бир киши томонидан, я'ни Корольковнинг ўзли томонидан ёзилганлигини айтади. Ўз тилидан илинган, қўлга тушган жиноятчи Корольков шайка бошлиғи Прус эканлигини айтиб беради. Афанасьевнинг буйруғига бўйсуниб Прусни телефонга чақириб, уни ресторанда кўнгил очишга таклиф этади. Афанасьев бошлиқ милиция ходимлари ресторан ёнига етиб борганда жиноятчи Прус ва унинг ҳамтабоқлари Румянцевни қалтаклаб ҳолдан тойдиргандилар. Жиноятчилар қўлга олинади.

Румянцев ролини ўйнаган талантли ёш артист А. Баталов шижоати барқ урган, шоферлик касбини севган, Клавани бутун вужуди билан севучи совет кишисининг порлоқ образини яратган.

Румянцевнинг ҳис-ҳаяжони, жиноятчиларга нафрати, чиновникларча иш тутган Самохининг дағаллигидан газабланиши, иккиюзламачи Корольковнинг ёлғон гапираётганида чидайолмай уни бўғиши, дўстлари билан ҳазилкашлиги, шўх ва қувноқлиги самимий ва ҳаққоний чиққан. Бунда артист ва режиссёрнинг хизматлари катта.

Фильм авторлари ва режиссёр Н. Подгорная ўз севгисига содиқ қолган, қийинчиликларни сабот билан енгаолган, Румянцевнинг гуноҳсизлигига ишонган, софдил қизнинг ма'навий дун'ёсини очиб бераолган.

Фильм авторлари бир гуруҳ шоферларнинг эсда қоладиган портретларини яратиб бераолганлар. Булар орасида етим болани асраб олган, ҳақиқий дўст, тортинчоқ, лекин принципиал Евдокимов (артист Г. Юхтин), очиққўнгил, ноҳақликка қарши курашучи Лемехов (артист В. Лепко), зарур пайтда дўстига ёрдам қўлини чўзаолмайдиган, мешчанка хотинининг сўзига кириб, анкетамга доғ тушмасин деб, кўрган нарсасини терговчига айтиб беришга жур'ат қилаолмайдиган, бунинг учун шофер дўстлари орасидан шармандаларча қувилган Снегирев (артист Е. Леонов) ўзларининг индивидуал хусусиятлари билан ажралиб турадилар.

Шмигло, Корольков образлари ҳам диққатга сазовор. Артист В. Чекмарев ижросидаги Шмигло ўзининг қоронғи ўтмиши, ўргимчакдек туҳмат ва ифво тўқиши, аноним хат ёзиши, полковник олдида ўзини гўлликка солиши билан тамошабинларнинг нафратини қўзғатади. Артист Н. Крючков эса ичкиликка муккасидан кетган, ҳотини, боласига зулм ўтказадиган, жиноятчиларнинг бойруғини бажариб юрадиган туҳматчи Корольковнинг жирканч қилмишларини ва қиёфасини очиб берган.

Операторлар М. Магид ва Л. Сокольский фильм воқиаларига мос манзараларни, шаҳар пейзажларини суратга олганлар.

Лекин фильмда капитан Самохин, жиноятчи Прус образлари тўла очилмаган. Фильм музикаси камбағал, айрим ўринларга асарнинг умумий мазмунига сингиб кетмаган эпизодлар кириб қолган. Бу камчиликлар фильмнинг умумий муваффақиятини, унинг катта бадиий кучи ва тарбиявий аҳамиятини пасайтирмайди.

М. ЯҲ'ЕЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/III да кундуз **Гамлет**, кечқурун **Бир шахснинг масаласи**, 1/IV да кундуз **Оғриқ тишлар**, кечқурун **Қароқчилар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/III да кундуз **Оққуш кўли**, кечқурун **Пиковая дама**, 1/IV да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Трубадур**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/III да кундуз ва кечқурун **Сурмахон**, 1/IV да кундуз ва кечқурун **Фарҳод ва Ширин**, 2/IV да кечқурун **Сурмахон**.

ОБЛАСТЬ МАДАНИЯТ УЙИДА (Ҳамза кўчаси, 10) — 31/III да Ҳиндистон ва Бирмадаги гастроль сафаридан қайтган санъат усталарининг иштироки билан **катта концерт**. Кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 1 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Пан То Си аттракционининг** ва **Тува цирк артистларининг хайрлашув гастрольлари**. Тамошалар кундуз соат 3 ва кеч 8 да бошланади. Якшанба куни тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

«РОДИНА» — кундуз янги бадиий фильм **Икки капитан**, кечқурун **Румянцевнинг иши**.

НАВОИ номли — эрталаб соат 9 ярим ва 11 да **Ажралмас дўстлар**, кундуз соат 1 дан кеч 5 гача янги румин кинокомедияси **Бизнинг директор**, кеч соат 5 дан **Румянцевнинг иши**.

«ИСКРА» — кундуз **Икки капитан**, кечқурун **Румянцевнинг иши**, 3-нчи залда кундуз соат 12—20 минутда **Ўнбеш ёшли капитан**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Икки капитан**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Икки капитан**, кечқурун **Румянцевнинг иши**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ўқучиларнинг баҳорги каникул кунларида

КАТТА

кундузги тамошалар

Тамошалар кундуз соат 3 да, якшанба кунлари кундуз соат 1 ва 4 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Навоий кўчаси, Автоматний проезд, 27-нчи уйда туручи **Тешабой Қорабоевнинг** шу уйда туручи Файруза Қорабоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

Чигатой кўча, Ҳуррият тупик, 15-нчи уйда туручи **Собира Абдуазимованинг** Хизматчи кўча, Марғилон переулок, 1-нчи уйда туручи Ҳамдам Қўчқоровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалиги бўлими — 39040. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 03702. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1405.